


Л. Р. МУМИНОВА

НУТҚИ ТЎЛИҚ
РИВОЖЛАНМАГАН
МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ
ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ
ЛОГОПЕДИК ТЕКШИРИШ ВА
ЎҚИТИШ

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1992

Бу методик қўлланма нутқий бузилишлари бўлган болалар учун мўлжалланган махсус муассасаларнинг логопедлари ва тарбиячиларига тавсия қилинади. Республикамизда бундай муассасаларнинг талайгинаси бор, бироқ мутахассислар болалар билан ишлаши учун керакли қўлланмалар ўзбек тилида йўқ.

Қўлланмада текшириш вақтида болаларда аниқланадиган клиник хусусиятлар тўғрисида қисқача маълумотлар берилади. Текширишнинг асосий принциплари ва усуллари айтилади, уларнинг босқичма-босқич ўтказилиши кўрсатилади.



М $\frac{4305000000-262}{353(04)-92}$ 195-92

© «Ўқитувчи» нашри-
ёти, 1992 й.

ISBN 5-645-01536-3.

КИРИШ

Логопедик текшириш ва ўқитишларда, мактабгача тарбия ёшидаги ўзбек болаларининг нутқи тўлиқ ривожланмаганлиги муаммосига доир ҳали кўзга кўринарли бирор жиддий иш қилинмаган. Ўзбек тилида нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларни тарбиялаш ва ўқитишга доир махсус дастур ҳам, қўлланмалар ҳам, ишланмалар ҳам йўқ, кўргазмали материаллар ҳам чоп этилмаган.

Ушбу муаммонинг ҳал этилиши ва ўрганилишининг кечикаётганлиги эса нутқий нуқсони бўлган ўзбек болаларининг нутқини тузатиш ва уларни билимли қилиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шулардан келиб чиққан ҳолда муаллиф мазкур қўлланмада логопедик назария ва амалиётнинг муайян соҳаларига доир умуман мамлакат миқёсида ва жумҳуриятдаги ҳозирги аҳволи тўғрисида баҳс юритади. Ушбу соҳадаги мавжуд йўналишларга ўз мулоҳазаларини билдиради, олиб борган текшириш хулосаларидан фойдаланади. Муаллиф текшириш ишларини Шайхантаҳур ноҳиясидаги 445-боғчада (Мудира: Т. В. Бессонова, логопед: М. Т. Қурбонова) ҳамкорлигида ўтказди.

Қўлланмада нутқ бузилишларининг келиб чиқиш сабаблари унга тегишли бўлган типик ҳолатларнинг этиопатогenezлари таҳлил қилинади, мактабгача тарбия ёшидаги ва мактаб ёшидаги болаларга қўлланиладиган логопедик тузатиш ишларининг усуллари очиб берилади. Булардан ташқари, талабаларнинг курс бўйича мустақил ишларини ташкил этиш учун саволлар желти-

рилади, психологик-педагогик таҳлилга тавсия этиш мақсадида савол ва топшириқлар, муаммоли вазиятлар, шунингдек библиографик рўйхатлар берилади.

Мазкур қўлланма дефектология факультети талабаларининг ўзбек тилида логопедия курсини ўқитиш ва амалиётда болалар билан иш олиб бораётган логопедлар, нутқи тўлиқ ривожланмаган мактабгача тарбия ёшидаги ўзбек болалари махсус нутқ ўстириш боғчаларидаги ва оммавий болалар муассасалари қошида махсус ташкил қилинадиган гуруҳлар учун мўлжалланган.

НУТҚИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ МАХСУС БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ

Бола шахсининг ҳар томонлама ривожига нутқ бе-
нуқсонлигининг аҳамияти катта. Чунки нутқ — киши-
лараро алоқа қуроли, барча соҳаларда қудратли муо-
мала воситасидир.

Бола нутқининг ривожланиш жараёни ўз вақтида
тўғри кечиши учун махсус шароитлар лозим бўлади, чу-
нончи: бола психик ва соматик жиҳатдан соғ бўлиши;
нормал ақлий қобилиятга эга бўлиши, нормал эшитиши
ва кўриши керак; етарли даражада психик фаолликка
эга бўлиши, гаплашишга эҳтиёж сезиш ва тўғри нутқ
муҳити шароитида бўлиши лозим.

Демак, нутқнинг тўғри таркиб топиши атрофдагилар
нутқига, нутқий тажрибага, тўғри нутқ муҳити ва таъ-
лим-тарбияга боғлиқ. Лекин, баъзи сабаблар туфайли
бола нутқи ривожланмайди, орқада қолади.

Логопедия фани — грекча «логос» — сўз, «пейдео» —
тарбиялаш «нутқни тарбиялаш» деган маънони англа-
тади. Бу фан нутқий нуқсонни аниқлаш, ўрганиш ва
уларнинг олдини олиш ҳамда махсус таълим-тарбия
йўллари орқали тузатиш усуллари ишлаб чиқади.
Логопедия умумий педагогика фанининг бир тармоғи
ҳисобланади.

Нутқ нуқсони деганда нима тушунилади? Нутқ нуқ-
сони бу муайян тилда қабул қилинган адабий нутқ нор-
малари меъёридан бир оз бўлса-да бузилишидир. Нутқ
камчилиги товуш талаффузи ёки фонетик-фонематик
камчиликларда (дислалия, дизартрия, ринолалия), фо-
нетик ва лексик-грамматик компонентларда (алалия,
афазия, ёзиш ва ўқишда — дисграфия, дислексия), нутқ
суръати оҳанги бузилишида (тутилиш) кузатилади.

Нутқ камчиликлари ҳам физиологик, ҳам патологик
бўлиши мумкин. Бироқ нутқдаги бу нуқсонлар ўз-ўзи-
дан йўқолиб кетмайди. Мактабгача тарбия ёшидаги
болалар ва ўқувчилар нутқий нуқсонларини мутахас-

сис — логопед ердამисиз бартараф этиб бўлмайди. Жумҳуриятимизда нутқи умумий ривожланмаган мактабгача тарбия ёшидаги болалар ва бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериш ва тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолди. Бу аснода катта ўзгаришлар қилинмоқда.

Нутқий нуқсони бўлган мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг таълим-тарбияси жумҳуриятда махсус таълимнинг ажралмас қисми сифатида амалга оширилади.

Нутқий камчилиги бўлган болалар учун болалар боғчаси, болалар уйи, шунингдек оммавий мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасаларида махсус бўлимлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар қайсисида таълим-тарбия ишлари ва амалий машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади. Машғулотлар «Қўлланма» га мувофиқ ташкил қилинган¹.

Бундай нуқсонга эга бўлган болаларни пайқаш ва синчковлик билан ўрганишни ҳамда уларни тиббий ва педагогик комиссияларга юбориш ишларини болалар поликлиникаларидаги логопедлар, психоневрологлар, болалар шифокорлари амалга оширадilar.

Болаларнинг махсус ташкилотларга танлаб олиш ва улардан гуруҳлар ташкил қилиш вазифасини тиббий-педагогик комиссия йўлга қўяди.

Комиссия аъзолари бу борада қуйидаги асосий қонун-қоидаларга таянадилар:

Дастлаб, нутқий нуқсонга эга болаларни бошқа турли хил камчиликлари бўлган болалардан ажратиш керак.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар махсус ташкилотларига қабул қилинадиган нутқий нуқсони бўлган болалар албатта эшитиш ва фикрлаш қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Нутқий нуқсони бўлган болаларга турли сабабларга кўра бу камчиликка (масалан, психик ривожланиши жиҳатдан орқада қолиши, кўриш ёки эшитиш қобилиятини йўқотиши) натижасида дучор бўлган болалардан ажратган ҳолда таълим-тарбия бериш зарур.

¹ Нутқ камчилигига эга бўлган мактабгача ёшдаги ташкилотлар ва гуруҳлар учун махсус қўлланма. М., 1982, 270- бет.

Бошқа сабаблар натижасида ҳам нутқий нуқсон юзага келиши мумкин, ammo иккинчи даражали аҳамият касб этади. Эшитиш, кўриш аъзоларига шикаст етган ва фикрлаш қобилияти заифлашган болалар мактабгача ёшда бўлган махсус нутқ ўстириш муассасаларига қабул қилинмайдилар.

Булардан ташқари, нутқий нуқсони бўлган болаларга таълим-тарбия беришда улардаги нуқсон қай даражада эканлиги ҳам албатта ҳисобга олинади.

Ҳозирда жумҳуриятимизда нутқий нуқсони бўлган болаларни аввал психологик-педагогик жиҳатдан таснифланади ва қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўқитилади:

1. Нутқнинг фонетик-фонематик ривожланмаганлиги.
2. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги.
3. Дудуқланиш.

Ҳар бир нутқий нуқсон ҳақида қисқача изоҳ берамиз.

1. Нутқнинг фонетик-фонематик ривожланмаганлиги — бу фонемаларни идрок этиш ва товуш талаффузининг бузилиши демакдир.

2. Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги — товуш талаффузи ва барча нутқ компонентлари (лексик ва грамматик) шаклланиш жараёнларининг бузилишидир.

3. Дудуқланиш — бу переферик нутқ аппаратининг пай тортиш натижасида нутқнинг темпи ва суръатини бузилишидир ёки муомала воситаларининг бузилиши демакдир.

Дудуқланиш ва нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги биргаликда мураккаб нуқсон бўлиб ҳисобланади. Р. Е. Левина ишлаб чиққан нутқ нуқсонларининг психологик-педагогик таснифи логопедия фанига янги бир саҳифа бўлиб қўшилди ва у болалар билан фронтал логопедик иш олиб боришга асос солди. Болалар логопедияси махсус педагогика фанида ўз тадқиқот предметига эга бўлган мустақил бобга айланди.

Махсус муассасаларга турли тиббий хулосалар асосида қабул қилиб олинган болалар нутқ ривожланишининг муайян ўхшашлигига кўра гуруҳларга бирлаштирилади. Масалан, нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларнинг гуруҳига — алалия нуқсонли (илк ривожланиш босқичида боланинг бош мия пўстлоғидаги нутқ зонасининг органик жиҳатдан зарарланиши натижаси ўлароқ нутқ ривожланмаган), дизартрия (яъни талаффуз бузилган), афазия (бош миянинг муайян жойи шикаст-

ланиши натижасида нутқи йўқолган болалар киритилади.

Нутқ қай даражада ривожланганлиги болани ушбу гуруҳга қабул қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ринолалия, дизатрия, дислалия диагнози қўйилганлар товушларнинг талаффуз этилиши бузилган болалар гуруҳига қабул қилинади.

Бу гуруҳга биринчи навбатда товушларни эсга тушириш қобилияти сусайган болалар, яъни товушларни фарқлай олмайдиганлар қабул қилинади.

Дудуқланиб гапирадиганлар гуруҳига — дудуқланиш (тутилиш) диагнози қўйилган болалар қабул қилинади. Гуруҳларга болалар ёшларига қараб жойлаштирилади.

Жумҳуриятимиздаги нутқида нуқсони бўлган болалар муассасаларида қуйидаги гуруҳлар мавжуд: ўрта группа — 4 ёшдан 5 ёшгача; катта группа — 5 ёшдан 6 ёшгача; тайёрлов группаси — 6 ёшдан 7 ёшгача.

Гуруҳлардаги болалар ҳар томонлама врач назоратидан ўтиши тавсия қилинади: психоневролог, отоларинголог, невропатолог, болалар шифокори, психолог ва логопед. Бу муаммолар ҳар бир жумҳурият учун долзарб мавзудир. Бу масалаларни ҳал қилиш учун ишни қай тарзда бошлашни, қандай методик ишларни олиб боришни, махсус болалар муассасаларидаги болаларнинг нутқ қобилиятлари қай даражада эканлигини англаб олиш лозим.

Бу мақсадда энг аввало, боланинг нутқи қанчалик ривожланганлигини, у махсус муассасага келмасдан илгариги нутқининг ўзига хос томонларини аниқлаш лозим.

Юқорида баён этилган масалалар ўз ечимини топмаганлиги туфайли мактабгача тарбия ёшидаги ўзбек болаларининг нутқига тегишли муаммоларни чуқур ўрганиш, шу аснода она тилини ривожлантиришнинг табақалашган методларини ишлаб чиқиш шу куннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Болалар муассасаларининг турлари (ясилар, болалар боғчалари ва болалар уйлари, махсус мактаблардаги мактабгача тарбия ёшидаги болалар гуруҳлари, умумий болалар боғчаларидаги махсус мактабгача

тарбия ёшидаги болалар гуруҳлари) мактабгача тарбия ёшидаги болалар жамоат тарбиясидир¹.

Махсус мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасалари қўйидаги вазифаларни амалга оширишлари лозим:

— махсус изчил таълим ва тарбия олувчилар бўлиб ҳисобланувчи болаларни чуқур ўрганилиб, сўнг дастлабки диагноз қўйиш;

— педагогик шарт-шароит яратиб бериш ва тарбияга атрофлича ёндашиш, болаларга бир хил имкониятлар яратиш ҳисобига уларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш;

— нутқнинг бузилиш хусусияти ва нуқсоннинг қандайлигини ҳисобга олиб, педагогика — тузатиш-тарбия ишларини изчил амалга ошириш, болаларни мактабга ўқитишга тайёрлаш.

Нутқий нуқсонни тўғри аниқлаш учун боланинг психик ва нутқий ривожланиши билан батафсил танишиш ишлари олиб борилади.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар тавсифи

Нутқнинг ривожланмаганлик муаммоси ҳали жиддий ўрганилмаган бўлса-да, аммо айтишга арзигулик муваффақиятларга эришилган. Р. Е. Левинанинг (1961-68 й.) нутқнинг ривожланиши типологияси ва таҳлили қоидалари, уларни бартараф қилиш ва олдини олиш усуллари ҳақида унинг раҳбарлигида олиб борилган тадқиқот ишларда кўзга ташланарлик муваффақиятлар қўлга киритилди.

Бундан ташқари унинг руҳий-педагогик (1951) ва яна бир қатор олимларнинг нутқи тўлиқ ривожланмаганлигининг турли йўналишларига оид: руҳий-лингвистик (В. К. Орфинская, 1959, 1963, Е. Ф. Соботови, 1984, В. А. Ковшиников, 1985), тиббий-педагогик (С. С. Ляпидевский, 1969, Е. М. Мастюкова, 1973 ва бошқалар) илмий текшириш ишлари фикримиз асосидир.

Шуни айтиш жоизки ҳозиргача олиб борилган бир қатор текширишларда болаларда нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги масаласининг бир томони, яъни нутқи ривожланмаган болаларнинг товушлар талаффу-

¹ Концепция специального обучения и воспитания детей с нарушениями умственного и физического развития (проект). «Дефектология» ойномаси, 2- сони, 1989, 10- бети.

зи ва бўғин тузилиши тартибини ўзлаштиришлари соҳаларигина кенг ёритилди. Булар О. Н. Усанова, Г. А. Каше, А. К. Маркова ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган.

Нутқнинг умумий ривожланмаганлигида тилнинг луғат таркиби ва грамматик тузилишининг ўзига хослиги эса Р. Е. Левина, В. К. Орфинская, Н. Н. Трауготт, С. Н. Шаховская, В. К. Воробьёва, Б. М. Гриншпун, Л. Ф. Спирова, Н. А. Никашина, Г. И. Горенкова, Т. Б. Фильичева, Г. В. Чиркина, А. В. Ястребова, Е. Ф. Соботович, В. А. Ковшикова ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларида талқин қилинади.

Бу ишларда нутқнинг талаффузга оид жиҳатига, луғат бойлиги, грамматик тузилишига, боғланишли нутқнинг тузатишга оид таълим жараёнида нутқнинг манتيқий ва товуш жиҳатларини болалар томонидан ўзлаштирилишининг ўзига хослиги тавсифланади.

4—6 ёшли болалар нутқ ўстириш махсус боғчаларига қабул қилинаётганда қуйидаги омилларга: ота-она руҳий касалликларга чалинмаганлиги, ичкиликка мойил эмаслиги, тери-таносил ва оғир соматик касалликлардан фориғлигига, она ҳомиладорлик чоғида кун тартибига риоя қилган-қилмаганлигига, туғуруқ қандай кечганлигига—туғуруқ тез кечганлиги, бола асфиксия билан туғилмаганми, туғуруқ вақтида шикастлар бўлмаганлигига: кам қонлик, рахит, ички аъзолар касалликларининг асоратлари, умумий соматик заифлик, болаларга туғуруқдан кейинги даврда юзага келиши мумкин бўлган генетик касалликлар белгиси йўқми эканлигига; бундан ташқари, ижтимоий шароитлар, педагогик жиҳатдан қаровсизлигига жиддий эътибор берилади.

Бундай болалар, одатда руҳий фаоллиги ва фаоллигининг сезиларли даражада сустлиги, нутқий алоқа мотивациясининг бўшашганлиги билан ажралиб турадилар: улар апатик, бефарқ, тез толиқувчан, нуқсонли бўладилар ёки аксинча, ўзларини тута билмайдилар, бесамара фаоллигига эга бўладилар.

Руҳий мотор ишларининг шаклланмаганлиги ёки улар ривожланишда анча орқада қолганлиги болаларни ўз-ўзига хизмат кўрсатишларида қатор қийинчиликларни (ихтиёрий ҳаракатларни талаб қилувчи: тугма қадаш, оёқ кийими ипларини боғлаш, лента тақиш, кийим кийишда) келтириб чиқаради. Бу қийинчиликлар фазовий мувофиқлашувнинг бузилиши натижасида яна-

да чуқурлашади, улар, масалан, ботинканинг ўнг-чапини, кийим қисмларини ажрата олмаслик ва бошқаларда ўз аксини топади.

Бундай болаларда фазовий гнозис ва праксис бузилишлари кузатилади. Кўрув-фазовий мувофиқлашувига оид топшириқлар бевосита илтимос орқалигина бажарилиши мумкин.

3 ёшли болалар нутқи ноаниқ бўлади, 5 ёшли болаларда эса нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги кузатилади. Барча болаларда асосан сирғалувчи, шовқинли, сонор, жарангли, жарангсиз, тил олди, тил орқа товушлари гуруҳларини ўз ичига олган талаффуз бузилишлари кўзга ташланади.

Болалардаги нутқий ва бошқа фаолиятларга қаратилган диққат, фонематик ўқув, фонематик таҳлил, тасаввурлар ҳам яхши ривожланмаган бўлади. Уларда сўзнинг товуш тузилиши жиддий бузилган бўлиши натижасида бола фақат мураккаб эмас, балки товуш таркиби жиҳатдан содда сўзларни ҳам тўғри талаффуз қила олмайди; жумлалар тузиш аграмматик ҳолда бўлиб, келишиқ қўшимчалари, боғловчилар, ёрдамчи сўзлар нотўғри қўлланилади. Нутқни, аynиқса мураккаб грамматик қурилишли гапларни тушуниш бузилган, луғат бойлиги кам бўлади¹.

Нутқ ва тафаккурнинг ривожланмаганлигини белгиловчи биологик ва ижтимоий омилларнинг мураккаб қўшилиши эса нутқ умумий ривожланмаганлигини табақалаштириб аниқлашни янада қийинлаштиради.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини Р. Е. Левина (1961) учта табақага ажратади, булар: нутқий алоқа воситаларининг умуман бўлмаслигидан, фонетик-фонематик ва лексик-грамматик жиҳатдан ривожланмаганлик элементларидан иборатдир.

Нутқ тўлиқ ривожланмаганлиги (I даражалиси), аввало, нутқнинг бўлмаслиги ва сўз бойлиги кам (ноаниқ) бўлиши билан ифодаланади. 5—6 ёшли болаларнинг нутқи товушларга тақлид қилиш, товушлар мажмуи билан чегараланади. Нарса ва ҳодисаларни табақаланмаган ҳолда ифодалаш, бир сўзнинг кўп маънога эга бўлиши, масалан: «ту-ту» — машина, паровоз, самолёт, қайиқ,

¹ Принципы и содержание логопедической работы с детьми страдающими общим недоразвитием речи, в условиях дошкольного детского дома (Г. А. Волкова, М. А. Яркокович) в сб: Речевые и нервно-психические нарушения у детей и взрослых. Л., 1987 г.

кема; «бум» — йиқилди, тушириб юборди, синдирди, бу уларга хос хусусият ҳисобланади. Бу болаларнинг ночор аҳволдаги луғати уларнинг нутқни тушунишни хийла паасйтиради; улар кўп сўзларнинг маъносини тушунмайдилар. Товушлар талаффузида турғунлик бўлмайди, товушлар бир-бири билан алмаштириб юборилади, фонематик ўқув издан чиқади. Нутқ ривожланмаганлиги бу даражада бўлган болаларга товушлар тақлидига оид берилган топшириқлар ҳам тушунарсиз бўлади.

Нутқ тўлиқ ривожланмаганлиги (II даражалиси), бундай болалар одатдаги нутққа бир оз эга бўлиши билан фарқланадилар. Болалар оддий жумлалардан фойдалана оладилар, муайян луғат бойлигига эга бўладилар. Улар нарса ва ҳодисаларнинг алоҳида белгиларига кўра номини ажрата оладилар. Улар икки-уч сўздан иборат гаплардан фойдаланадилар. Шунга қарамай луғат бойлиги шу ёшга мос келадиган меъёрдан кам бўлади ҳамда умумлаштирувчи сўзлар (мебель, кийим, сабзавотлар, мева ва бошқалар) ни билмаслик кузатилади. Улар ҳаракат ва белгини билдирувчи сўзлардан фойдаланишда қийналадилар, нарсанинг ранги, шакли, ўлчами ва бошқа белгиларни унча яхши билмайдилар. Келишикларни чалкаштирадилар, феъл сонини от сонига мослаштира олмайдилар.

Нутқнинг фонетик томони шу ёшга мос келувчи меъёрдан орқада қолади, болалар бўғинлар ўрнини алмаштирадилар, ундошлар кетма-кет келганда товушни ташлаб кетадилар.

Нутқ тўлиқ ривожланмаганлигининг (III даражасида) ёйиқ жумлани нутқда лексик-грамматик ва фонетик-фонематик жиҳатдан қўлланиш ривожланмаганлиги кузатилади. Болалар нутққа эга бўладилар ва кишилар билан алоқа боғлай оладилар, аммо бу муомала-муносабатни улар ота-она (тарбиячи) ларнинг муайян иштироки ҳамда ёрдами билан бажарадилар. Бундай болалар учун ҳали эркин мулоқотда бўлиш қийин ва уларга товушлар талаффузида уларни бир-биридан ажрата олмаслик, товушлар гуруҳини артикуляция жиҳатидан осонроқ товушларга алмаштиришлик, баъзида эса товушларни бузиб талаффуз қилиш ҳам хосдир. Луғат ҳам меъёрдан орқада қолган бўлади. Луғат бойлиги таҳлил қилинганда ўзига хос лексик хатолар кўзга ташланади. Гапларни, сўзларни охиригача гапирмаслик

каби турғун грамматик хатолар ҳам уларга тегишлидир. Кўпчилик ҳолларда сўзга қўшимча қўшилганда унинг маъносини ўзгаришига тушуниб етишлари қийин бўлади.

Логопедик текшириш методи

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болани ҳар томонлама текшириш, унинг (туғилгунча, туғилаётган вақтидаги ва туғилгандан кейинги даври туғрисидаги) шахсининг ривожланиши ҳақидаги муҳим маълумотларни билиш зарур. Шунинг учун нутқий фаолият билан бирга руҳий фаолиятнинг нутқий бўлмаган фаолият (умумий ва иутқий моторика), хулқ, ҳиссиёт-ирода қатламининг ўзига хос хусусиятлари ва нутқий фаолият (ички ва ташқи нутқнинг шаклланиши ва ҳолати), нутқни идрок қилиш ва тушуниш, товушлар талаффузининг ҳолати, фонематик таҳлил ва синтез, фонематик тасаввурлар, лексика ва нутқнинг грамматик тузилиши ҳолати, боғланган нутқ, нутқ-оҳанг ва суръати бузилишларининг хусусиятлари ҳам келтирилади.

Болаларнинг нутқий ва нутқий бўлмаган моторикасини, улар хулқининг ўзига хос томонларини, ички ва ташқи нутқини ўрганишга оид материаллар, шунингдек, нутқи умумий ривожланмаган болаларни текширишга доир вазифалар, ўзимиз олиб борган нутқи умумий ривожланмаган болаларни текшириш ишларимиздан олинган маълумотлар ва бошқа муаллифларнинг текшириш натижаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Анамнезنى ўрганиш методи

Текширишнинг асосий босқичида логопед бола ҳақидаги анамнез маълумотларини тўплаш мақсадида ота-оналар билан суҳбат ўтказади. Логопед ота-оналар билан суҳбатда оиладаги умумий вазият ва болага алоҳида таъсир кўрсатган воқеа-ҳодисаларни ҳамда шунга боғлиқ ҳолда боланинг умумий нутқ ривожланишининг ўзига хос томонларини аниқлайди. Шунингдек, боланинг туғилгунча, туғилаётган ва туғилгандан кейинги даврлардаги ривожланишининг ўзига хос томонларини аниқлайди.

Бу тахминан қуйидаги тартиб асосида олиб борилади:

а) туғилгунча бўлган давр.

Логопед она билан суҳбатда баъзи наслий омиллар-

ни белгилайди: ота-оналарнинг бола туғилгунга қадар саломатлигининг аҳволи қандай бўлган, уларда асаб-руҳий, тери-таносил касалликлари, нутқий паталогия бўлганми, ота-онадан қайси бири ичкиликка мойил бўлган, юқумли ва бошқа касалликлар билан оғриганми?

Шулар билан бирга яна, боланинг туғилгунча бўлган ривожланишига оид мана бу асосий жиҳатлар аниқланади:

— бола туғилганда онанинг ёши нечада эди;

— ҳомиладорликнинг биринчи ва иккинчи ярмида она касалликларга чалинганми, чунончи: қизилча, грипп, токсоплазмоз, қандли диабет, жигар, буйрак касалликлари, ангина, анемия ва Ҳ. к;

— ҳомиладорликнинг биринчи ва иккинчи ярмида шикастланишлар, қорин юзасида лат ейишлар, юрак-томир касалликлари, токсикозлар, боланинг тушиш хавфи бўлганми;

— ҳомиладорлик даврида дорилар билан даволанганми ёки йўқми;

— ҳомиладорлик даврида рентгенологик текширувдан ўтганми ёки қандайдир радиоактив нурланиш бўлганми ва бошқалар.

Логопедга ҳомиладорлик даврида бўлиб ўтган ноқулай омилларни аниқлаш ҳам боланинг кейинги нутқий ривожига бевосита таъсирини аниқлашда ёрдам беради.

б) туғилиш даври.

Логопед она билан суҳбатда туғилишгача даврнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлайди: тўлғоқ ўз вақтида бошланганми, ҳомиладорликнинг 8- ойида, 7- ойида сувнинг барвақт кетиши бўлганми, тўлғоқ ва туғилиш узоқ кечганми, қисқичлар қўлланилганми, вакуум-экстрактор қўлланилганми, туғилишнинг мувофиқ кечилиши таъминловчи дори-дармонлар қўлланилганми, ҳомила қўлга келганми ёки бола кессар операцияси йўли билан ажратиб олинганми?

Суҳбат давомида яна боланинг туғилган чоғдаги ҳолати аниқланиши зарур: бола туғилган заҳоти йиғланганми ёки йўқми, кўкариб, бўғилиб (асфиксия) туғилганми, оғирлиги (1500 кг дан кўп бўлганми ёки кам), бўйи, турли шикастлар, синишлар, қон қуйилиши ва бошқа жароҳатланишлар бўлганми?

в) туғилишдан кейинги давр.

Логопед она билан олиб бориладиган суҳбат даво-

мида яна боланинг туғилгандан кейинги даврдаги соматик ривожланиши ҳақидаги маълумотларни аниқлайди:

— бола туғилгач, онага у неча соат ўтгандан сўнг олиб келиб кўрсатилган, бола кўжракни қандай олган ва эмган (фаол, фаол эмас, тезда чарчаб қолган);

— бола бедор вақтида ўзини қандай тутар эди: тинч ёки нотинч, бақироқ, йиғлоқ ва бошқалар;

— ҳаётининг биринчи ойида сепсис, зотилжам, диспепсия, камқонли, грипп, сариқ касалликлари билан касалланганми?

— ҳаётининг биринчи йилида — 3 ёшгача; зотилжам, кўкйўтал, диспепсия, ичбуруғ касалликлари билан оғриганми?

Шунингдек, болада туғма касалликлар бор ёки йўқлиги аниқланади — юрак пороги, маймоқлик ва бош жароҳатланиши бўлганми?

Бола туғилгандан кейинги ривожланиш давридаги меъёрдан четга чиқишлар ва унга таъсир кўрсатган турли салбий ҳодисалар аниқлангач, логопед томонидан умумий нутқ ривожланмаганлигининг этиопатогенези янада тўлиқ ўрганилади.

Болаларнинг ички нутқини текшириш методи

Нутқи тўлиқ ривожланмаган мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ички нутқини текшириш уларнинг сушт лугатини ўрганишга қаратилган бўлиб, улар қуйидаги бўлимларни қамраб олади: фонематик таҳлил ҳолатини, сўзлар, гаплар ва боғланишли нутқни тушуниш ҳолатини аниқлаш.

Нутқни тушуниш — мураккаб руҳий жараён бўлиб, у нутқ товушларини идрок қилиш, сўзлар, гаплар ва матннинг маъносини тушуниш демакдир.

А. Р. Лурия ички нутқни текширишда унинг ташқи нутқ билан ўзаро боғлиқлигини эътиборга олиш муҳимлигини таъкидлайди¹. Нутқни эшитишнинг бузилиши нутқ артикуляциялари ва ташқи нутқнинг иккиламчи бузилишига олиб келади. Артикулятор жараёнлар ва ички нутқнинг бузилиши нутқ товушларини идрок қилиш ва нутқ мазмунини тушуниш сингари ички жараёнларга таъсир кўрсатади. Бу ҳақда, яъни ички нутқнинг мураккаблиги тўғрисида Л. С. Виготский ҳам ёзган эди.

¹ Лурия А. Р. Высшее корковые функции человека. М., 1962 г.

Фонематик таҳлилни текшириш

Фонематик ўқув болада бевосита нутқий алоқа асосида шаклланади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар бир-бирларидан бир товуш билан фарқ қиладиган сўзларни ажрата олмасликлари билан фарқланадилар, шунинг учун болаларга бир товуш билан фарқ қиладиган сўзларни берамиз:

гул — кул	соч — қоч
куз — туз	оз — оч
сим — шим	баҳор — наҳор

Шу тариқа улардаги мазкур сўзларга мос келадиган расмларни топиш ва кўрсатиш кўникмаси аниқланади.

Сўзларни тушунишни текшириш

Текшириш ишлари қуйидагича олиб борилади. Чунинчи, болага нарсаларнинг номини айтиб уларни кўрсатиб бериш сўралади.

Масалан, тана аъзолари, кўз, пешона, юз, бурун, соч, даҳан, қўл, оёқ ва бошқалар.

Яна бир болага уй жиҳозлари: стол, стул, шкаф, қандил, кўзгуни; ўйинчоқлар: қўғирчоқ, машина, коптокларни кўрсатиш таклиф қилинади.

Сўзларни тушунишни текширишнинг кейинги босқичи расмда тасвирланган нарсаларни таниш кўникмасини аниқлашдан иборат. Бунда болага турли гуруҳдаги, бир-биридан шакли, ранги, ҳажми ва сон жиҳатидан фарқланувчи нарсалар тасвирланган расмлар кўрсатилади. Буларда уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонларнинг, ўйинчоқлар, сабзавотлар, мевалар, идиш-товоқлар, транспортнинг тасвири, шунингдек, йил фасллари ифодаланган бўлади.

Бундай дидактик материаллар болалар боғчасининг дастур талабларига мувофиқ келиш ва уларнинг ёшига қараб ажратилган бўлиши лозим.

Содда гаплар ва грамматик шакллارни тушунишни текшириш

Болага турлича лавҳалар ифода этилган расмлар кўрсатилади ва бир нечта содда гаплар айтилади: «Қиз ўтирибди», «Қизда қизил копток бор», «Бола югурыпти», «Бола турибди», «Болада машина бор», «Кучук

югурыпти ва ҳоказо. Шундан сўнг бола ушбу лавҳа ифода-даланган расмни кўрсатиши лозим бўлади. Бундан ташқари қўшимча равишда қуйидагиларни кўрсатиш: олмахоннинг момиқ думини, қиз қаердан сакраётгани, югураётгани, ёзаётгани, сирпанчиқ учаётгани ва ҳоказоларни кўрсатиш таклиф қилинади.

Кейин битта гапда кетма-кет келиб изчил бажариладиган икки-уч хил сўз шаклида ифода этилган буйруқларни бажариш усулидан фойдаланилади. Масалан: «Тур, стол ёнига бор, ўйинчоқларни ол ва полга қўй. Коптокни ол, полга ур ва менга бер».

Сўнг болаларнинг гапнинг грамматик қурилишларини тушунишлари аниқланади.

1. Бирлик ва кўпликдаги отларни тушуниш. Болага нарсаларга оид расмлар кўрсатилади, бу билан унинг нарсани таниш ва кўрсатиш кўникмаси аниқланади: машина қаерда, машиналар қаерда, қўғирчоқ қаерда, қўғирчоқлар қаерда, олма қаерда, олмалар қаерда ва бошқалар.

2. Кичрайтириш — эркалаш қўшимчасига эга бўлган сўзларни тушуниш.

Болага нарсалар тасвирланган расмлар берилади ва унинг расмда тасвирланган буюмлар қандай жойлаштирилганини аниқ кўрсатиб бериш кўникмаси аниқланади: стол қаерда, ўйинчоқли столча қаерда, қошиқ қаерда, қошиқча қаерда, қуён қаерда, қуёнча қаерда ва ҳоказолар.

3. Боғланишли нутқ мазмунини тушуниш. Бу босқичда шеърӣ ва дарак гапли матнлар мазмунини тушуниш текширилади. Бунинг учун болаларга шеърӣ матн таклиф қилинади.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ички нутқини чуқур текшириш руҳий-логопедик текширишнинг умумий тартибида болаларнинг сусти луғатини ва, шунингдек, улар руҳий фаолиятининг баъзи томонлари ҳолатини аниқлашга ёрдам беради, чунки мантиқий идрок инсоннинг мураккаб ихтисосий перцептив фикри-мнемик фаолияти бўлиб ҳисобланади¹.

Ички нутқ боланинг кишилар билан алоқа боғланишига ва фаолиятига таъсир кўрсатади, нутқий ва нутқий

¹ Зимняя И. А. Речевая деятельность и психология речи. В кн. Основы теории речевой деятельности. М., 1974.

бўлмаган ҳаракатларни режалаштиришнинг қуроли сифатида муҳим ўрин тутади.

Болаларнинг ташқи нутқини текшириш методи

Нутқ нуқсони бўлган болалар махсус боғчага қабул қилинган, логопед улар билан бир ой давомида текшириш ишлари олиб боради; кейинчалик текшириш натижалари билан чегараланиб қолинмай, логопедик таъсир қилиш жараёнида ҳам янада аниқлаштирилади.

Боланинг мулоқотга киришишини текшириш

Логопед нутқи тўлиқ ривожланмаган мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан биринчи учрашувдаёқ уларнинг мулоқотга қандай киришаётганларини кузатади (осон, қийин ёки ҳайиқиб, қўрқиб). Бундан ташқари у боланинг ўз тенгдошлари билан қандай нутқий алоқага киришишини чунончи, бошқалар билан осон нутқий алоқа ўрната олади, тез-тез ёки камдан-кам уришади, нутқий алоқага киришишда ташаббускор ёки нутқий алоқага суст киришади ва шу сингариларни аниқлайди.

Нутқдан ташқари бўлган моторика ҳаракатини текшириш

Логопед болага сўз қоидаларини ва тақлидий қуйидаги вазифаларни бажаришни таклиф қилади:

— вазифага биноан иккала оёқда ёки бир оёқда югуриш, сакраш;

— юриш, югуриш, сакрашда огоҳлантириш билан тўхташ;

— бир оёқда, сўнг иккинчи оёқда саноқ асосида туриш;

— логопедга коптокни отиш ва уни илиб олиш;

— полда ётган «гардиш» ичига иккала оёқ учидан сакраб туриш ва ундан сакраб чиқиш;

— қўлда байроқчаларни тутган ҳолда қуйидаги буйруқларни бажариш: қўл олдинга, орқага, юқорига, пастга;

— чўккалаб ўтирган ҳолда полда коптокни думалашиб, у қўлдан бу қўлга ўтказиш, сўнгра коптокни кўтариб, ўриндан туриш;

— югуриш вақтида коптокни отиш ва илиб олиш;

— лентани «тугун» қилиб, сўнг «бантик» қилиб боғлаш ва бошқалар.

Бола моторикасини текшириш натижасида логопед қуйидаги маълумотларга эга бўлади: оёқ, қўллар мувофиқлиги (тўғри, нотўғри, умуман йўқ); тана мувозанатини сезиш, боланинг ўз гавдасини тутиши, ҳаракатларни бажариш даражаси (тўлиқ, нотўлиқ); бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга ўтиши (ўз вақтида, кечикиб, йўқ), ҳаракатларни бажариш мустақиллиги (тўлиқ ёки логопед ёрдамида); чапақайлик, юз ҳаракатлари меъёрида, самимий ва юз пайларининг гиперкинезияси, синкезиялар, яъни асосий ҳаракатлар билан бирга бажариладиган қўшимча ҳаракатлар — бир оз ёки яққол ифодаланган.

Боланинг мотор фаолиятини текшириш натижаларини қуйидаги параметрлар бўйича умумлаштирамиз.

Меъёрли моторика:

— ҳаракатларнинг статик мувофиқлашуви шакллانган; топшириққа оид ёки эркин равишда зарур ҳолатни аниқ белгилай олади;

— ҳаракатларнинг динамик мувофиқлашуви шаклланган ҳаракатлар аниқ, ишонч билан бажарилади, мотор фаоллигининг турли хил кўринишлари билан ўзаро боғланган, бу югуриш, сакраш, чапак чалишда) яққол кўзга ташланади;

— қўл бармоқларининг ҳаракатланиши ва қўл билан бажариладиган майда ҳаракатлар тўла шаклланган — юз ишоралари ифодали ва ҳис-ҳаяжонли.

Мотор ҳаракатларининг бузилишларига қуйидагилар киради:

— ҳаракатнинг ҳаддан ташқари фаоллиги, қўзғалувчанлик ва мувофиқлашмаган ҳаракатларнинг мавжудлиги;

— мотор зўриқиши, ҳаракатларнинг чекланганлиги ва мувофиқлашмаган ҳаракатлар, ҳаракатларнинг бесўнақай ва сустлиги;

— юздаги самимийликнинг бир оз ёки яққол ифодаланганлиги, панжа бармоқлари ва қўл билан бажариладиган майда ҳаракатларнинг етарли ривожланмаганлиги.

Артикуляцион аппаратни текшириш методи

Артикуляцион аппаратни текшириш методи асосан товушлар талаффузидаги нуқсонларнинг сабаби бўлган

артикуляцион аъзолар тузилишида ифодаланган камчиликларни аниқлашдан иборат. Артикуляцион аппаратнинг тузилишини текширишда қуйидагиларга:

Лаб: (қалин, юпқа, юқори лабнинг калта бўлиши, лабдаги ёриқликлар) га;

Тил: (макроглоссия, тилнинг ингичка бўлиши, тил тагидаги юганчанинг калта бўлиши) га;

Жағ: (прогения, прогнатия) га;

Тишлар: (йўқ бўлиши, ораси очиқ бўлиши, ёночиқ тишлар) га;

Қаттиқ танглай: (баланд, ясси, тор ва ёриқлар бўлиши) га;

Юмшоқ танглай: (калта, иккига бўлинган, йўқ бўлиши) га эътибор берилади.

Артикуляцион аппарат тузилишини баҳолашда мана буларга диққатни қаратилади:

— артикуляцион аппаратининг меъёрда бўлишига;

— артикуляцион аппарати тузилишида камчиликлар, бузилишларнинг бўлишига ва ҳ. к.

Сўнгра артикуляцион аппаратнинг ҳаракатчанлиги текширилади. Бунда лаб, пастки жағ, тил, юмшоқ танглай машқларидан фойдаланилади.

Масалан, лаб-машқлари: аввал лабни кулги ҳолатига келтириш — яна тинч ҳолатга қайтиш, кулги ҳолатига келтириш, олдинга чўччайтириш ва яна тинч ҳолатга қайтиш.

Пастки жағ учун машқлар: оғизни катта очиш, оғизни очиқ ҳолда бир, икки (6 сония гача) ушлаб туриш — оғизни юмиш; оғизни катта очиш, пастки жағни ўнг ва чап томонга ҳаракатлантириш, тинч ҳолатга қайтиш.

Тил машқлари: тилни кенг ҳолатда кўрсатиш — оғизга киргишиш, тилни кенг ҳолатда пастки лаб устига қўйиш, юқори лаб томон кўтариш — тилни оғизга киргишиш, оғизни очиш ва навбатма-навбат тилни кенг ва тор ҳолда кўрсатиш; тилни тор ҳолда тутиб, юқори лабни ялаш, шу ҳолда пастки лабни ялаш, тилни тор ҳолда тутиб, уни ҳаракатлантириш ва оғизнинг чап ва ўнг бурчакларига теккизиш; оғизни очиш, тилни сўриб қаттиқ танглайга теккизиш ва куч билан тортиб олиш. Бу машқлар бир неча марта такрорланади.

Юмшоқ танглай машқлари: тилни пастки лаб устига қўйган ҳолда эснаш; йўталиш кўринишидаги машқларни бажариш: «а» унлисини аввал чўзиб, кейин бўлиб-

бўлиб талаффуз қилиш, «а» унлисини кескин талаффуз қилиш.

Машқлар тақлидан ва сўз қондасига доир бажарилади. Артикуляцион аппарат аъзоларининг ҳаракатчанлигини текшириш жараёнида ҳаракатнинг бор ёки йўқлиги, ҳаракатнинг бажарилиш даражаси (тўлиқ, нотўлиқ ва бажарилиш сифати (гипо ёки гипертонус, қўзғалувчанлиги); ҳаракатни аниқ бажариш кўникмаси; артикуляцион аъзоларни таклиф этилган кўринишда узоқ вақт ушлаб тура олиш; бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга оҳиста ўтиш; ҳаракатлар суръати (суръати: меъёрда, секинлашган, тезлашган) аниқланади.

Артикуляцион аппарат ҳаракатчанлигини баҳолаш меъёри:

— ҳаракатни аниқ, тўлиқ меъёрда бажаради.
Бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга таклиф этилган суръатда ўта олади;

— ҳаракатни бажаришда бир қатор камчиликлар кузатилади. Бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга қийинчилик билан ўтади;

— ҳаракатни логопед ёрдами билан бажаради, муштақил бажара олмайди. Бир ҳаракатдан иккинчи ҳаракатга жуда қийналиб ўтади;

— ҳаракатни бажара олмайди.

Товушлар талаффузини текшириш

Товушлар талаффузининг ҳолати логопедик амалиётда умумий қабул қилинган қуйидаги тартиб асосида текширилади. Болага буюмларнинг расми кўрсатилади, бунда расмдаги буюмларни ифодаловчи сўзлар ичида текширилаётган товуш уч ўринда келиши керак: сўзнинг алоҳида талаффузида, бўғинларда, сўзларда ва жумлаларда.

Сўзда ундош товушларнинг мос келиши:

сирғалувчи товушлар (с, з, ц);

шипилловчи товушлар (ш, ж, ч);

санор товушлар (л, р, нг);

тил орқа, чуқур тил орқа товушлар (к, г, х, қ, ғ, ҳ);

жарангли товушлар (в, б, д, м);

унли товушлар (а, о, у, ў).

Нутқида нуқсони бўлган ўзбек болалари товуш талаффузини текширишда ушбу жадвалда берилган сўзлардан фойдаланилса бўлади.

Текширилаётган товушлар	Текширилаётган товуш келадиган позициялар (сўзнинг бошида, ўрта-сида, охирида)	Текширилаётган товушнинг кўп бўғинли сўзларда келиши
с	соат, хасса, гилос	сомонхона
з	зина, телевизор	Рўстам
ц	цирк	зира, кўзойнак
ш	шам, шашка, бош	циркуль
ж	жар, жўжа	шкаф, машина, шаҳаншоҳ, тош, қуёш
ч	чайнак, кучук, кашнич	жўмрак, маккажўхори
л	лимон, Лола, бола, ме- даль	чироқ, чумчуқ, қалдир- ғоч
р	ром, арра, карам, дутор	лайлак, дўлана, гул
н	нон, нина, ин	революция, каравот, помидор
к	карам, лейка, копток	новвот, конфет
г	газ, гала, дугона	кўзойнак
х	хўроз, нўхот, мих	капалак, кичкинагина
қ	қалам, беқасам, байроқ	хокондоз, этик
ғ	ғоз, мағзн, бўғ	гармдори, гугурт
ҳ	ҳаво, ҳайҳот	Ҳикмат, масҳарабоз
в	водий, жавон, ов	шаҳаншоҳ
б	бош, автобус	оққуш,
д	дон, бадан, Самарқанд	галлакор, чизғич, тоғ
м	мол, амма, шам	ҳамроҳ, ҳамшаҳар
а	ака, дала, она	велосипед,
о	ой, боғ, ҳурмо	бедана, белбоғ, китоб
у	уй, ука, гулдон, буғу	дорихона, дурадгор,
и	ин, зина, тўти	Боғдод
э	этак, этик	майсазор, сумка, олим
е	ер, челақ	автобус, вафли, болға
ю	юз, юрак	олхўри, боғбон
я	яшиқ, соябон, туя	узумзор, тарвуз
й	йўл, майиз, ой	Иссиқкўл, такси
ё	ёз, пиёз	елпиғич
		Юнусобод
		йўлбарс, маймун, карнай
		ёмғир, қуёш

Болада товушлар талаффузи тавсифини аввал алоҳида товушлар талаффузи орқали (бузиб талаффуз этиш, ўрнини алмаштириш), жуфт товушларда (ўрнини алмаштириш, бузиб талаффуз этиш, ташлаб кетиш—персеверация, бир товушдан иккинчи товушга ўтишдаги қийинчи-

лик), сўзларда товушни ташлаб кетиш, ўрнини алмаштириш, бузиб талаффуз этиш) аниқланади.

Товушлар талаффузининг ҳолати қуйидагича аниқланади:

— механизмлар асосида: дислалия, енгил шаклдаги дизартрия;

— шаклига кўра: мотор, сенсор, аралаш дислалия;

— юзага чиқишига кўра: сигматизм, ротацизм, йотацизм, капацизм;

— ҳолатига кўра: мономорф ёки оддий бузилиш;

— полиморф ёки мураккаб бузилиш.

Текшириладиган товушлар бор бўлган сўзларни ифодаловчи махсус танланган буюмларга оид расмлар текшириш учун материал бўлиб хизмат қилади.

Расмларни танлашда қуйидагилар:

— мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг тушуниши учун мос бўлиши;

— идрок қилинаётган расмнинг тарбиявий ва таълимий аҳамияти;

— расмда тасвирланган лавҳа қизиқиш ва ижобий ҳис-туйғу уйғотиши;

— ҳаётини вазиятлар акс эттирилиши ҳисобга олиниши даркор.

Товушлар талаффузидаги нуқсонлар хусусиятига кўра биз қуйидагиларни белгиладик:

а) товуш йўқлиги; б) товушларнинг алмаштирилиши; в) товушларнинг нутқда мустақкам эмаслиги, (яъни бунда товуш баъзи сўзларда тўғри талаффуз этилади, баъзида эса бошқа товушлар билан алмаштирилиб) юборилади; г) товушнинг умуман бузиб талаффуз этилиши.

Фонематик таҳлил. Синтез ва фонематик тасаввурларни текшириш

Бу фаолиятни текшириш бола нутқининг барча томонларини луғати, фонетик уқуви, грамматик тузилиш-ни ривожлантириш режасида олиб бориладиган логопедик иш учун зарурдир.

Фонематик таҳлилни текшириш. Бунда болаларнинг қуйидаги қобилиятлари аниқланади:

— сўз бошидаги товушни аниқлаш;

— сўздаги керакли товушларни аниқлаш;

— жуфт товушларни бир-биридан ажратиш: б-п, т-д, с-з, ш-ж;

— товушнинг сўздаги ўрнини аниқлаш; масалан, сўзда учинчи бўлиб қандай товуш келяпти;

— товушнинг сўздаги кетма-кетлигини аниқлаш;

— сўздаги товушлар сонини аниқлаш: масалан, сўзда нечта товуш бор?

Фонематик синтезни текшириш. Бунда болаларнинг қуйидаги қобилияти аниқланади:

— кетма-кет товушлардан бўғинлар тузиш.

Фонематик тасаввурни текшириш. Бунда болаларга қуйидаги топшириқлар берилади:

— берилган товушлардан сўз ўйлаб топиш;

— номлари оппозицион товушлар билан бошланадиган буюмларга оид расмларни икки гуруҳга ажратиш. Масалан, с-ш, ч-ц, р-я ва бошқалар.

Нутқ просодик компонентларининг ҳолатини аниқлаш

— суръат: меъёрда, секинлашган, тез;

— оҳанг: меъёрда ёки аритмия;

— овоз: меъёрда, бўғиқ, хирилдоқ, заиф, паст;

— овоз: йўғон-ингичка; юмшоқ, қаттиқ;

— овознинг тез ва қаттиқлиги: қаттиқ, юмшоқ, йўқ;

— нафас: меъёрда, тезлашган, секинлашган;

— нафас олиш чуқурлиги: меъёрда, юзаки.

Товушлар талаффузини баҳолаш меъёри

— барча товушларнинг тўғри талаффуз этилиши;

— товуш йўқлиги;

— товушнинг алмаштириб юборилиши;

— товушнинг бузиб талаффуз этилиши.

Луғат бойлигининг аҳволини ўрганиш

Суҳбат вақтида болалар нутқини диққат билан тинглаш, бола луғати бойлиги ҳақида муайян тасаввур беради. Лекин нутқ нуқсонларини муфассал белгилаш учун боланинг мақсадга қаратилган луғат бойлиги даражасини аниқлаб олиш зарур.

Луғат бойлигининг аҳволини билиш учун махсус усуллардан фойдаланилади: нарсаларни номлаш; нарсаларни тасвирланишига кўра номлаш, нарсалар номини умумлаштириш ва бошқалар.

Болага нарса ёки нарсалар тасвирланган расмлар

кўрсатилади ва уларнинг ҳаракати, сифати ва белгиларини номлаш таклиф этилади. Нарса ва расмлар мавзулар асосида танланади: ўйинчоқлар, идиш-товоқлар, уй жиҳозлари, кийимлар, оёқ кийимлари, одамнинг тана қисмлари, уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар, ўсимликлар, кишилар касби, йил фасллари.

Болага яна қуйидаги вазифалар таклиф этилади:

— расмларга қараб бажарилаётган иш ҳаракатини номлаш; «Бола нима қиляпти?»— бола иш-ҳаракатни номлаш билан саволга жавоб бериши керак. «Мен нима қиляпман?»— иш ҳаракати амалда бажариб кўрсатилади;

— нарсаларни номлаш. Бола номлаши керак бўлган нарсалар ёки уларнинг ҳаракати ёки сифат белгилари тасвирланган буюмлар расми кўрсатилади. Бунда логопед болага саволлар орқали мурожаат этади: «Бу нима?», «Бу ким?», «Нима қиляпти?», «Қандай?», «Кимники?»;

— тасвирланганига кўра номлаш: қайси ҳайвон сут беради? Нима билан ёзамиз? ва бошқалар;

— умумлаштирувчи сўзларни ажратиш: бир қатор нарсаларни ёки буюмларга оид расмларни битта умумий сўз билан номлаш. Масалан, олма, анор, узум, беҳи, шафтоли, анжир, лимон ёки уларнинг расмлари кўрсатилади ва савол берилади: «Бу кўрсатилган нарсаларни бир сўз билан қандай номлаймиз?» Бунда имкони борича турли бўғинли сўзлар талаффузи текширилади; парафазия, персеверация, элизия, контаминациянинг бор ёки йўқлиги белгиланади.

— Расмлардан фойдаланганда яна уларнинг ҳаракати билан номлаш таклиф этилади. Болага расмларни томоша қилиш таклиф этилади, бола эса расмдаги нарса қандай ҳаракат қила олишини айтиб бериши лозим: (тайёра учяпти, қалдирғоч учяпти, қўғирчоқ ўтирибди, бола югурияпти, қиз сузяпти).

Қуйидагича савол билан болага мурожаат этиш мумкин: «Бола нима қиляпти?» ва ҳоказо.

— Тасвир ёки буюмнинг белгисини аниқлаш. Осмон қандай? (ҳаво ранг), пальто кимники? (онамники).

— Маънодош сўзлар ва антонимларни танлаш: иссиқ-совуқ, ширин-аччиқ, баланд-паст, йўғон-ингичка.

— Бир ўзакли сўзларни билиш (боғча, боғ, боғбон).

— От туркумидаги сўзлардан сўз яшаш: «Стол ёғочдан қилинган». Қандай стол? (ёғочли).

— Машина темирдан ясалган. Қандай машина? (Темирли.)

Баҳолаш мезони

— Бола биринчи топшириқданоқ вазифани бажаради.

— Бола вазифани бажаришда хатоларга йўл қўйди.

— Бола вазифани логопеднинг ёрдами билан қийналиб бажарди.

— Бола вазифани бажара олмади.

Болалар нутқининг грамматик жиҳатини ўрганиш

Бунинг учун болаларга қуйидаги вазифаларни бажариш таклиф этилади:

— сюжетли расмлар асосида гап тузиш;

— буюмларга оид расмлардан фойдаланган ҳолда бирликдаги от туркумидаги сўзлардан кўпликдаги отларни ҳосил қилиш (копток — коптоқлар, қалам — қаламлар, китоб — китоблар ва ҳоказо);

— от туркумидаги сўзлардан кичрайтириш, эркала-тиш сўзларини ҳосил қилиш. Масалан: уй—уйча, стол—столча;

— от туркумидаги сўзлардан сифат яшаш.

Бунда асосий диққат болаларнинг қай тарзда гап тузишига қаратилади. Болага расмлар ёки давомли расмлар асосида ҳикоя қилиш, оддий ва мураккаб мазмунли матнларни сўзлаб бериш таклиф этилади. Бунда боланинг сўзларни ўзаро боғлай олишига, матн мазмунини қай даражада ифодали сўзлаб бера олишига ва йўл қўйган хатоларига эътибор бериб борилади.

Булардан ташқари, боланинг фақат нутқини эмас, балки унинг руҳий хусусиятларини, шахснинг ўзига хос бошқа жиҳозларини ақлий ҳолатини ҳам ўрганиб борилади.

Логопед текшириш жараёнида болани фақат кузатиб, у бажарган вазифаларни баҳолаб қолмай, балки зарур бўлса, унга ёрдам бериши лозим. Текшириш жараёнида бола фаолияти, унинг қизиқиши, муваффақият ва муваффақиятсизлик олдида ўзини тута олиши, қийинчиликни бошдан кечири олиши ва уни бартараф этиш усулларини қидириб топа олиш ва йўл қўйган хатоларини бартараф эта олиш қобилиятини ҳисобга олиш лозим.

Болани чарчатиб қўймаслик, шунингдек, бола ҳаракатининг фаоллик даражасини пасайтирмаслик мақсадида текшириш жараёнида иш турлари ўзгартириб турилади.

Иш жараёнида болага ва унинг ота-онасига бўлган муносабат хушмуомалалик билан ва руҳий терапевтив таъсир этиш асосида бўлиши керак.

Текшириш усуллари доимо ўзгартиб турилиши лозим.

Текширишни аниқ ташкил этиш, ишларни табақалаштириб олиб бориш имконини беради ва шу билан бир қаторда бартараф этишга қаратилган иш услубларини тўғри танлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Болаларнинг боғланган нутқини текшириш методи

Болаларнинг боғланган нутқини текширишда уларга қуйидаги вазифаларни бажариш таклиф этилади.

— буюмли расмлардан, ўйинчоқлардан, нарсалардан фойдаланган ҳолда ҳикоя тузиш. Масалан, «Бу қўғирчоқ. Қўғирчоқ жуда чиройли. Унинг сочига катта қизил бант бойланган. Қўғирчоқ атлас кўйлак кийган. Унинг оёғида шиппакча бор»;

— туркум расмлардан фойдаланган ҳолда ҳикоя тузиш.

Логопед болага 3-4 расмдан иборат бўлган туркум расмларни тавсия этади ва шу расмлар асосида кетмакетликини сақлаган ҳолда ҳикоя тузишни таклиф этади.

— Берилган мавзу асосида ҳикоя тузиш.

Логопед болага мурожаат қилади.

«Ўйлаб кўрчи, сен кеча уйда қандай ишларни бажардинг?» ёки «Қандай мультфильмларни биласан?», «Сен меҳмонга боришни яхши кўрасанми?», «Кимларникига меҳмонга боргансан?»

Баҳолаш:

— Ҳикоя тўғри тузилган. Ҳикоянинг мазмунини яхши ёритиб бера олган. Ҳикоя 5-6 гапдан иборат. Яхши!

— Ҳикоя туза олди. Аммо, мазмунини тўлиқ очиб бера олмаган. Ҳикоя 3-4 гапдан иборат. Дуруст!

— Ҳикоя баёнида чалкашлик учрайди. Мазмунини ёритишда изчиллик йўқ. Ҳикоя 1—2 гапдан иборат;

— боғланган нутқи йўқ.

Боланинг нутқини логопедик текшириш давомида олинган маълумотлар унинг нутқ харитасига ёзилиб боради. (Нутқ харитаси иловада берилган.)

Буюм модели, муляж, тарқатма материаллар (расмлар, конструкторлар). Зондлар, штафель, ойна (девор ва стол ойнаси).

Дидактик материаллар: ўйинчоқлар тўплами, стол устида ўйналадиган ўйинчоқлар (лото, домино).

Альбомлар ёки расмлар тўплами. Буюмларга оид иборали, сюжетли, давомли, қирқма расмлар.

Турли ҳажмдаги ва ҳар хил саноқ материаллари, мозайка, оптик-фазовий тасаввурларини аниқлаш учун турли ранг ва шаклдаги нарсалар тўплами.

Турли ўлчамдаги нарсалар ёки уларнинг расмлари.

Овозли ўйинчоқлар тўплами: дўмбира, най, пианино, овоз чиқарадиган ўйинчоқлар.

Расмлар тўплами (ўйинчоқлар): уй жиҳозлари, кийимлар, идиш-товоқлар, транспортлар, уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар, сабзавотлар, мевалар.

Фонематик идрокни текшириш учун махсус қўлланмалар: жуфт нарсаларга оид расмлар, бўғинлар, сўзлар.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларни ўқитиш

Нутқ нуқсонларини тадқиқ қилишда нутқ ривожланишини ўрганишга изчил ёндошиш қоидалари қўлланилади. Бу эса нутқи унча ривожланмаган болаларни мактабда ўқитишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишга (Р. Е. Левина, 1961, 1964, 1968 й.; Г. А. Каше, 1962; Н. А. Никашина, 1965; Г. В. Чиркина, 1965; Л. Ф. Спирова, 1975, 1980), шунингдек, мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан ўтказиладиган машғулотлар мазмунини аниқлашга (Н. С. Жукова, Е. М. Мастюкова, Т. Б. Филичева, 1973) имкон бери.

Бу ишларда болаларнинг нутқ талаффузини, луғати таркибини, гапларнинг грамматик тузилишини, равои гапиришни ўрганишлари ва эгаллаб олишлари, нутқни тузатиш жараёнида болалар рус тилининг маънавий ва талаффуз томонларини билиб олишларининг ўзига хослик тафсилотлари келтирилади.

Нутқ муомаласи боланинг тўлиқ руҳий ривожланишидаги зарур шартдир. Нутқ бузилган ёки нутқ тўлиқ ривожланмаган ҳолларда болаларни махсус ўқитмай туриб, уларда бутун тил тизимларини шакллантириш жууда қийин кечади.

Кичик ёшдаги болаларнинг нутққа нисбатан сезгир-

ликлари туфайли, нутқи бузилган болаларнинг нутқий нуқсонларини бартараф қилишга доир ишларни ташкил қилиш жуда муҳимдир.

Биз нутқи тўлиқ ривожланмаган, аммо яхши эшитадиган ва зеҳнли мактабгача тарбия ёшидаги ўзбек болаларини тарбиялаш ва ўқитишга доир тажриба материалини ишлаб чиқдик. Нутқ нуқсонини бартараф этиш асосида ўқитишдан мақсад — болаларда ўртача баландликда овоз чиқариб туғри ва равон сўзлаш малакасини ошириш ҳамда уларнинг ўз она тилларидаги сўз бойликлари ва нутқларининг ривожланиш даражаси ёшларига монанд бўлиши кўзда тутилади.

Биз нутқни тузатиш — тарбиялаш ишларини бошлаганда уларнинг тил омилларини, руҳий фаолиятларини эътиборга олиб — болаларни ўқитишни уларда диққат, хотира, ўзларини тута билиш кўникмаларини тарбиялаш билан узвий боғлашни назарда тутдик.

Логопед ўтказадиган машғулотлар

Логопедлик иши қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- мавзу жиҳатдан бирлаштирилган суств ва фаол лугат (сўз) бойлигини шакллантириш;
- талаффуз кўникмаларини шакллантириш;
- фонетик идрокни, товушни таҳлил ва синтез қилиш кўникмаларини ривожлантириш;
- сўз тузишни, равон нутқда ҳар хил гаплар тузишни ўргатиш.

Сўз бойлигини ошириш ва нутқни грамматик жиҳатдан туғри қуришга қаратилган логопедик иш айти чоқда она тилидаги нутқнинг лексик-грамматик таркибини ҳам, фонетик таркибини ҳам такомиллаштиришга ёрдам беради, бу эса ўзбек болаларининг умумий таълим мактабларида она тилларида қийналмай ўқий олишларига имкон яратади.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар гуруҳларида ўқитиш ишларини ташкил қилишдан мақсад — нутқ нуқсони ва тўлиқ ривожланмаслик натижасида келиб чиққан иккиламчи аломатларни бартараф этиш ёки лозим бўлганлари билан ўрнини тўлдиришдир.

Логопед, тарбиячи ва муסיқа раҳбари боланинг нутқини тузатиш, тарбиялаш ва ўқитиш ишларини унинг ота-онаси билан ҳамкорликда амалга оширади.

Логопеднинг иш тартиби ва машғулотлари тури бо-

лаларнинг шахсий хусусиятларига, шунингдек, таълим ва тарбия жараёнида ҳал қилинадиган нутқ тузатиш вазифаларига боғлиқ бўлади.

Бунда машғулотларнинг қуйидаги турлари:

— равон нутқини шакллантиришга доир машғулотлар;

— талаффузни шакллантиришга доир машғулотлар кўзда тутилди.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар билан нутқни тузатиш, тарбиялаш ва умумий таълим ишларини амалга оширишда турли шаклдаги машғулотлардан фойдаланилади, чунончи: ўйинлар, қувноқ кечалар, кўнгил очиш тадбирлари ташкил қилинади; кун тартибдаги кундалик ишлар, кийиниш, ечиниш, навбатчилик, енгил меҳнат, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва шунга ўхшаш юмушлар бажарилади.

Логопед болалар нутқий нуқсонларини тузатишда фронтал машғулотлар, кичик гуруҳларга оид ва якка тартибдаги машғулотлардан фойдаланади; бу машғулотларнинг асосий вазифаси — нутқни ривожлантириш, умумий хулқ-атвори ва нутқий нуқсонларини бартараф қилишдан ибрат.

Логопед умумий машғулотларни шарт-шароитдан келиб чиқиб 20-25 дақиқадан қилиб ташкил қилади. Кичик гуруҳлардаги машғулотлар ҳам ҳар куни 20-25 дақиқа давомида ўтказилади. Кўпинча 12 кишилик гуруҳ, 6 кишилик иккита кичик гуруҳга бўлинади.

Логопед якка тартибдаги машғулотларни ҳам ҳар куни ўтказиши, бунинг учун у кўпроқ орадаги бўш қолган вақтларидан фойдаланади. Якка тартибдаги машғулотларга битта, иккита баъзан, уч нафар бола жалб қилинади.

Машғулот ҳар бир бола билан 10—15 дақиқа давомида ўтказилади.

Логопеднинг нутқи нафақат болаларга, балки атрофдагиларга ҳам намуна бўлиши лозим. Логопед бу билан ягона нутқий тартибни таъминлайди ва махсус болалар муассасаларидаги ўрта ва кичик ёшдагиларга нутқ маданиятини ўргатади. Логопеднинг машғулотлари нутқий нуқсонларни бартараф этишга доир таълимнинг асосий шакли ҳисобланади.

Нутқ тузатишга доир аниқ вазифа ва босқичларга кўра логопеднинг (фронтал) машғулотлари қуйидаги кўринишларга эга бўлади:

1. Тилнинг лексик-грамматик воситаларини шакллантиришга оид машғулотлар:

- а) сўз бойлигини яратишга оид машғулотлар;
- б) грамматик (гап тузишга доир) машғулотлар.

Бу машғулотлардан кутиладиган мақсад болаларни нутқни тушунишга, сўз бойликларини аниқлаш ва кенгайтиришга, умумлаштирувчи тушунчаларни таркиб топтиришга, сўз ясаш ва сўзни ўзгартириш амалий кўникмаларини шакллантиришга кенг тарқалган оддий гапларни ҳамда мураккаб ва синтактик қурилишдаги гапларнинг баъзиларини талаффуз қила олишга ўргатишдан иборат.

2. Сўзларни талаффуз қилишга доир машғулотлар.

Бундай машғулотлардан мақсад: товушларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш; сўзларни эшитиб идрок қилишни ривожлантириш; ҳар хил товуш — бўғинли сўзларни талаффуз қилиш кўникмалари ҳосил қилиш; нутқнинг тушунарли ва ифодали бўлишини назорат қилиб туриш; товушларни таҳлил ва синтез қилишга доир оддий кўникмаларни ўзлаштиришдан иборат.

3. Равон сўзлашни ривожлантиришга доир машғулотлар.

Бундай машғулотларнинг вазифаси болаларни ўз фикрларини мустақил баён қилишга ўргатишдир.

Нутқ тузатишга оид таълим жараёни бошдан-охир фикр алмашинув тарзида уюштирилади. Чунки, болаларни ўзи ўрганган сўзлар ва гапларини турли вазиятларда қўллана олишга, эгалланган кўникмаларини турли фаолиятларда ижодий қўллай билишга ўргатиш жуда муҳимдир.

Логопеднинг тил лексик-грамматик воситаларини шакллантириш ва раван гапиришни ривожлантиришга доир машғулотлари умумий педагогика ва мактабгача тарбия ёшидаги болалар педагогикасининг, уларнинг махсус таълимга оид махсус талаблари ҳисобга олинган ҳолда ташкил қилинади:

- машғулотларнинг мавзуи ва мақсадини аниқлаш;
- болалар ўз фаол нутқларида ўзлаштиришлари лозим бўлган гаплар;
- лексик ва грамматик материални танлашда машғулотлар мавзуи ва мақсадини, нутқ тузатиш таълими босқичини, ҳар бир боланинг нутқий ва руҳий имкониятини алоҳида-алоҳида ҳисобга олиш;
- машғулотларининг асосий босқичларини белгилаб

олиш, уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва алоқасини кўрсатиш ва ҳар бир босқичнинг мақсадини баён қилиш;

— машғулотларга турли ўйинлар ва дидактик машқларни қўшиб, уларни мусобақа тарзида ўтказиш;

— нутқ материалини танлашда болаларнинг фикрлаш, идрок этиш, тасаввур қила олиш қобилиятларини ҳисобга олиш;

— болаларга алоҳида-алоҳида ёндошилганда уларни фаол сўзлашишга жалб қиладиган усуллардан белгилаб қўйиш;

— нутқни ривожлантиришга доир ўзлаштирилган материални мунтазам такрорлаб боришни ҳам кўзда тутиш.

Ҳар қайси машғулотда ўрганилган товушни (бўғинлар, сўзлар, гаплар ва матнлар ёрдамида) тўғри талаффуз ва идрок қилиш ҳиссини ривожлантириш, оддий таҳлил ва синтез қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантиришга доир машқлар назарда тутилади.

Барча машғулотлар бир неча босқичдан иборат бўлиб, логопед уларнинг ҳар қайсисига аниқ ва қисқа йўл-йўриқ беради.

Умумий машғулотлардан фақат тўғри талаффуз қилинаётган товушлар ажратиб олинишини ҳисобга олиб, машққа 3—5 дақиқадан ортиқ вақт сарфламаслик тавсия этилади.

Нутқ товушларини фарқлаш мақсадида шартларни секин-аста мураккаблаштира бориш белгилаб қўйилди.

Логопед ҳар қайси бола билан якка тартибда ўтказиладиган машғулотлар самарадорлигини ошириш учун уларни аниқ ташкил қилиши, ҳар бир боланинг нутқ даражаси ва шахсини яхши билиши лозим.

Нутқ нотўқислиги шаклига оид нуқсоннинг ўзига хос томонларини (алалия, дизартрия, ринолалия ва ҳоказо) ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Нутқий нуқсонларнинг турғун аломатлари турлича бартараф қилинади, шу туфайли улар нутқ тузатиш таълимининг барча босқичларида турлича намоён бўлади. Уларни бартараф қилишнинг энг қулай муддатларини аниқлаш керак.

Якка тартибли машғулотларнинг асосий мақсади нутқнинг товуш талаффузи томонини тўғри шакллантиришга кўмаклашишдан иборат ва айни чоқда талаффузга оид тайёргарлик машқлари мажмуини, товушлар-

ни нотўғри талаффуз қилишнинг олдини олишни, бўғинларни тўғри кўчиришни, сўзларни идрок қилиш ҳиссини ривожлантиришни ҳам қамраб олади.

Якка тартибли машғулотларнинг ўзига хос томони умумий логопедик машғулотларда ўрганилгунга қадар товушлар талаффузини олдиндан ишлаб чиқиш ва уларни фарқлашдан иборат.

Зарур фонетик материал даврларга бўлиб тақсимланади.

Логопедик тузатиш ва ўқитиш дастури

1 босқич (сентябрь, октябрь, ноябрь).

Тилнинг лексик-грамматик воситалари ва боғланишли нутқни шакллантиришга доир фронтал машғулотлар ҳафтасига 5 марта ўтказилади.

Биринчи босқичнинг вазифалари

1. Товушли нутқни тушуниш ва ривожлантириш, оҳангларни идрок этиш ва қайтадан тиклаш доирасидаги билим ва кўникмаларини ривожлантириш.

2. Товушни тўғри талаффуз этиш ва сўзнинг товуш таркиби ҳақидаги дастлабки тасаввурларни аниқлаш ва шакллантириш.

3. Мавжуд луғат бойлигининг белгиланган лексик мавзуларда ривожланишини аниқлаш.

4. Айрим грамматик даражалар билан танишиш ва икки бўлакли гап тузиш.

5. Боғланишли нутқнинг элементар кўринишлари билан дастлабки танишув.

Биринчи босқичнинг юқоридаги санаб ўтилган вазифалари қуйидаги лексик мавзуларда амалга оширилади: «Бизнинг боғчамиз», «Тана қисмлари», «Сабзавотлар», «Мевалар», «Ўйинчоқлар», «Кийим-кечак», «Пойабзал».

Талаффузга доир якка тартибли машғулотлар ҳар куни режалаштирилади. Унда қуйидаги мақсадлар амалга оширилади:

— тўғри талаффуз этилган товушларни мустаҳкамлаш: а, у, о, э, и, у, м, н, т, л, ф, в, б;

— нутқда ноаниқ талаффуз этилган ва иштирок этмаган товушларни иштирок эттиришга ва тузатиш ҳамда автоматлашган тарзда қўлланишга эришиш: к, г, х, л, й, с, э, р;

— унли ва ундош товушларни ажратиш;

— талаффузда тушириб қолдириладиган товушларни пайдо қилиш, автоматлашган тарзда қўлланишга эришиш: л, б, д, г, с, з, ш, р, ж, к, г, ҳ;

— бўғин қурилиши ва сўзларда товуш бўғини тузилишини ўзлаштириш;

— жарангли ва жарангсиз товушларни аниқ ажратиш асосида фонематик уқувни шакллантириш;

— товушларни таҳлил — синтез қилишнинг бошланғич малакаларини шакллантиришга тайёргарлик кўриш.

II босқич (декабрь, январь, февраль, март)

Тилнинг лексик-грамматик воситалари ва боғланишли нутқни шакллантиришга доир фронтал машғулотлар ҳафтасига 5 марта ўтказилади.

Иккинчи босқичнинг вазифалари

1. Товушни тўғри талаффуз этишни шакллантириш, биринчи босқичда кўрсатилган товушларни автоматлашган тарзда қўлланишни эгаллаш ва даражаларга ажратиш. Товушли сўзнинг дастлабки таҳлил ва синтезини шакллантириш.

2. Луғат таркибини айрим лексик мавзулар асосида шакллантириш (аниқлаш) ва бойитиш.

3. Сўзнинг морфологик таркиби ҳақидаги дастлабки тасаввурни таркиб топтириш, 2—5 сўздан иборат содда гап тузиш кўникмаларини мустаҳкамлаш.

4. Кўргазмали вазият ёки ҳаракат (раом асосида суҳбат) асосида ҳикоя қилишнинг дастлабки билим ва кўникмаларни таркиб топтириш.

5. Эркин муомала қилишдаги дастлабки кўникмаларни вужудга келтириш:

а) суҳбатда: «катта ёш (логопед, тарбиячи, ота-она) — бола».

б) якка тартибда: «бола-бола».

Иккинчи босқичнинг бу вазифалари қуйидаги: «Қийимлар», «Уй ва ёввойи ҳайвонлар», «Паррандалар», «Қиш», «Янги йил», «8 Март», «Наврўз», «Баҳор», «Ҳафта кунлари», «Оила» сингари лексик мавзуларда амалга оширилади.

Якка тартибли машғулотда:

— I даврнинг якка тартибли машғулотларида нуқсонли товушларни тўғрилаш ва тўғри товушлар талаффузини мустаҳкамлаш;

— ноаниқ талаффуз қилинаётган товушларни тузатиш ишлари амалга оширилади.

Шулар қатори тарбиячининг вазифаларига болалар жамоасида хайрихоҳлик муҳитини яратиш, болаларнинг ўз имкониятларига ўзларини ишонтириш, нутқи ривожланмаслик билан боғлиқ бўлган салбий кечинмалардан халос қилиш, машғулотларга қизиқиш уйғотиш ҳам киради. Бу вазифаларни амалга оширишда эса болаларнинг ёш ва шахс хусусиятларига оид руҳий физиологик жиҳатларини билиш шарт.

III босқич (апрель, май, июнь)

Тилнинг лексик-грамматик воситалари ва боғланишли нутқни шакллантириш асосида фронтал машғулотлар ҳафтасига 5 марта ўтказилади.

Учинчи босқичнинг вазифалари

1. Фонематик тасаввурдаги товушни тўғри талаффуз этиш ва сўз таркибини таҳлил қилиш ҳамда синтезлаш кўникмаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

2. Луғат бойлигини (муҳим сўзлар билан бойитиш) мустаҳкамлаш ва тўлдириш.

3. Грамматик шакллар ҳақидаги дастлабки тасаввурни таркиб топтириш.

4. Боғланишли баён тузиш (сюжетли расмлар асосида) борасидаги билим ва кўникмаларни шакллантириш.

5. Эркин муомала қилиш кўникмасини вужудга келтириш.

III босқичнинг вазифалари қуйидаги: «Баҳор», «1 май байрами», «Транспорт», «Уй-рузгор буюмлари», «Одамлар касб-жори», «Шаҳар», «Ёз», «Қишлоқ», «Боғ», «Ўқув қуроллари» лексик мавзуларда амалга оширилади.

Якка-тартибли машғулотлар

Фонематик идрок этиш ва сўзлар таркибини ривожлантириш:

Товушларни очиқ бўғинларда ўзлаштириш. Ҳосил бўлиш ўрни (С-III) ва овознинг иштирокига кўра товушларни (с-3) тарзида табақалаш. Очиқ ва ёпиқ бўғинли сўзларда товушларни таҳлил-синтез қилиш малакаларини шакллантириш.

Тарбиячи ўтказадиган машғулотлар

Болалар бoғчасининг нутқида нуқсони бўлган болалар тарбиячиси умумий таълим вазифаларини бажариш билан бирга, болалар нутқидаги нуқсонларни бартараф қилишга қаратилган тадбирларни ҳам амалга оширади. Бунда тарбиячи эътиборини нафақат боланинг ақлий ва жисмоний камчиликларини йўқотиш ва уларнинг атрофдаги нарсалар ҳақидаги тасаввурларини бойитишга, балки болаларда сақланган анализаторлар фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратади.

Тарбиячининг болалар нутқини ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифалари қуйидагилардан:

1) болаларнинг атрофдаги нарсалар ҳақидаги тасаввурларини чуқурлаштириш асосида уларнинг нутқ бойлигини кенгайтириш ва фаоллаштиришдан;

2) болаларда ҳар хил муомала вазиятларида шаклланган равои сўзлаш ва ўқиш кўникмаларини қўллана олиш қобилиятларини ўстиришдан;

3) логопедик машғулотлар дастурига мувофиқ болаларнинг бемалол мустақил сўзлашларини, сўзларни тўғри талаффуз қилишларини, нутқнинг грамматик жиҳатдан (товуш бўғинларига риоя қилган ҳолда) тўғри тузилишини таъминлаш (автоматлаштириш, яъни ўз-ўзидан тутилмай гапирадиган даражага етказиш)дан иборат.

Тарбиячи боланинг нутқ фаоллигини, айтилган ва тузатилган товушлардан, ишлаб чиқилган грамматик шакллардан қай даража тўғри фойдаланаётганини кузатиб туради.

Тарбиячининг нутқи равои, тушунарли, ифодали бўлиши, нутқи ривожланмаган болалар эса ундан ўрнак олиши лозим.

Тарбиячи машғулотларда болаларнинг сўз бойлигини ошириш ва гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш кўникмаларини босқичма-босқич шакллантириши керак:

а) болалар ўрганилаётган ҳодиса билан бевосита танишадилар;

б) тарбиячининг равои нутқи ёрдамида болалар бу ҳодисаларни сўз билан ифодалашга ўрганадилар;

в) тарбиячи болаларнинг тўғри ва равои сўзлашини машқ қилдиради, кузатади, натижада ҳодисаларни сўз билан ифодалаш кўникмалари мустаҳкамланади.

Ҳар қайси ўқув даври учун юқорида айтилган босқичларнинг аҳамияти турличадир. Дастлаб тарбиячининг ҳикояси ва ўқиши, расмларни кўрсатиши, саволлар асосида суҳбатлар ўтказиши, тарбиячи тузиб чиққан дидактик ўйинлар тарзидаги баёний ҳикояларни такрорлаш каби босқичлар етакчи ҳисобланади. Болаларни саволларга аниқ жавоб (бир сўзли ёки тўлиқ жавоби) қайтаришга ўргатиш учун алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳар қайси мавзунинг ўргатишдан олдин логопед билан ҳамкорликда болалар тушуниши ва амалда қўллана олиши лозим бўлган луғат меъёри белгиланган. Шундан кейин тарбиячи машғулотининг логопеднинг эндиги навбатда белгиланган мавзунинг мослаб тузади, унинг машғулотидаги вазифалар логопед машғулотидаги вазифалар билан ҳамоҳанг бўлади.

Тарбиячи ва логопеднинг бир мавзудаги машғулотлари бир вақтда ўтказилади.

Тарбиячи махсус нутқ тузатиш ишлари олиб боради. Тарбиячилар ҳал қиладиган нутқ тузатишга доир асосий вазифалар болаларда умумий хулқ-атвор ва нутқни равиш қилиш кўникмаларини шакллантириш, нутқни ривожлантириш ва қулай, мустақил сўзлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Тарбиячи болаларни логопед машғулотларига тайёрлашда фаол иштирок этади. Барча машғулотлар ва улардан ташқарида тарбиячи болаларнинг сўз бойлигини оширишга кўп вақт ажратади. Атроф-муҳитни кузатишда тарбиячи болаларни янги сўзлар билан таништиради, уларнинг мазмунини тушунтиради, уларни ҳар хил вазифаларда такрорлашга эришади, фаоллаштиради.

Логопед тарбиячи билан яқин алоқада бўлиб, болаларни янги сўзлар билан таништиради, уларнинг мазмунини тушунтиради, фаоллаштиради, мавзуга тегишли лексик материални танлайди.

Муסיқачининг машғулотлари

Муסיқа машғулотлари (ҳафтасига икки марта) болаларга куйга монанд ҳаракатлар қилишга, куй ва оҳангнинг фарқлаш қобилиятини ўстиришга, муסיқа ёрдамида болалар диққатини ростлашга, берилган ҳаракатларни изчиллик билан такрорлашга, муסיқа мазмунини ва маромини ҳаракатлар орқали ифодалашга, бир ҳаракатдан иккинчисига силлиқ ўтиш ва ҳоказоларга ёрдам беради.

Логопед, тарбиячи ва музика раҳбари ҳамкорликда иш олиб бориши учун улар вазифаларни бамаслаҳат режалаштиришлари: мавзуга доир машғулотлар мазмунини ўз вақтида танлашлари, ҳар бирининг вазифаларини ва машғулотлар ўтказиш навбатини келишиб олишлари зарур. Логопед ва тарбиячи ўтказиш лозим бўлган машғулотларнинг тахминий истиқбол режаларини намуна сифатида иловада келтирамыз.

Умумий тузатиш машқлари

Болаларда мотор ривожланиш хусусиятлари махсус ва умумқабул қилинган жисмоний тарбия машқлар орқали амалга оширилади. Тузатишга оид ишлар пайлар тонусини мувофиқ ҳолатга келтиришга, нотўғри ҳаракат ҳолатини тўғрилашга, чидамлилиқни ривожлантиришга, мувозанат ва ҳаракат суръатини яхшилашга, нутқ ҳамда ҳаракат орасидаги ўзаро боғлиқликни баробарлаштиришга, сўз қоидаларига бўлган муносабатини тарбиялашга, нозик ҳаракат мувофиқлигини ривожлантиришга, ёзув малакаларини тўлиқ шакллантиришга қаратилган бўлиши зарур.

Болалар боғчаси дастурининг жисмоний тарбия бўлимида белгиланган машқлар катта гуруҳ болаларининг деярли ҳаммасига тавсия этилади (М., «Физкультура ва спорт», «Қатта группа учун», 1984).

Унда асосий диққат қўл пайларини ривожлантиришга қаратилади. Бунга қуйидаги машқлар тавсия этилади:

- Резина тўпи ёки теннис тўпчасини қисиш.
- Бармоқларни навбатма-навбат мушт қилиш ва ёзиш.
- Маълум тезликда бармоқларни столга кетма-кет уриш.
- Резинани ёки арқончани турли бармоқлар билан тортиш.
- Навбатма-навбат ҳар битта бармоқ билан теннис тўпчасини итариш.
- Ҳар хил ҳажмдаги тўпларни илиб олишни машқ қилиш.
- Қўлни ва бармоқларни ҳар хил ҳолатларда тутиб туриш.
- Кичик ва майда буюмларни бармоқлар билан илиб олиш.

— Майда (гугурт чўпи, мозайка) лардан мураккаб бўлмаган геометрик шакллар яшаш.

Юқорида кўрсатилган машқларни аввал секин, кейин тез суратда бажариш тавсия этилади. Шу билан бир вақтда вазифани тўғри бажаришини диққат билан кузатиб туриш керак.

Болалар нутқи ва шахсни ҳар томонлама ривожланишида меҳнатнинг ўрни каттадир. Болалар боғчасидаги меҳнат тарбияси болаларни катталар меҳнати билан таништиришда, бундай меҳнатни қадрлашда, меҳнатсеварлик, мустақиллик, жамоада меҳнат қилиш кўникмаларини сингдиришда муҳим ўрин тутаети, шунингдек нутқини ўстиришда улкан ҳисса қўшади. Болаларнинг меҳнат фаолияти «Болалар боғчасида тарбия дастури» га амал қилади. Болалар боғчасидаги меҳнатнинг асосий турлари — бу маиший хўжалик меҳнати, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, қўл бола меҳнат бўлиб, уни ташкил этиш шакллари — топшириқ, навбатчилик ва ҳоказолардан иборат.

Болалар билан меҳнат тарбияси кўпроқ ўйин машғулотларида, сайр-томошаларда ташкил қилингани маъқул. Юқорида кўрсатилган барча тадбирлар ўз навбатида нутқни ривожланиши учун катта хизмат қилади.

Болалар нутқини ўстиришда дидактик ўйинлар ва унинг аҳамияти

Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг фаолияти ранг-баранг. У доимо бирон-бир иш билан машғул бўлади, катталарнинг топшириқларини бажаради, аммо ҳаммасидан кўра кўпроқ ўйинлар ўйнашни ёқтиради.

Ўйин — мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун энг яқин энг сеvimли машғулотдир. У бола ҳаётида асосий ўринни эгаллайди. А. М. Горький: «Ўйин болаларнинг ўзлари яшаб турган ва ўзгартиришлари лозим бўлган дунёни билиш йўлидир», — деб ёзган эди.

Болалар боғчасида ўтказиладиган хилма-хил ўйинлар орасида дидактик ўйинларга кўпроқ ўрин ажратилади.

Дидактик ўйинларнинг асосий хусусиятлари шундаки, таълимга алоқадор масалалар уларда тўғридан-тўғри ўйин қоидаларига мувофиқ ҳолда олиб борилаверади. Бола бирор ўйин ўйнамоқчи экан, у ниманидир ўрганиш ҳақида ўйлаб ўтирмайди. Лекин ўйин жараёнида у ниманидир ўрганади. Яъни бунда мажбуран таъ-

лим берилмайди, аммо дидактик ўйиннинг мазмуни унда яширин равишда таркиб топиб боради.

Дидактик ўйин болаларнинг ақлий ривожланиш востаси бўлиб ҳисобланади, чунки ўйин вақтида хилма-хил ақлий жараёнлар фаоллашади ва эркин мақсадли бўлиб юзага чиқади. Ўйиннинг ғояларини тушуниш, ҳаракат ва қоидаларни ўзлаштириб олиш учун тарбиячининг сўзларини, унинг тушунтиришини яхшилаб тинглаш ва ўқиб олиш керак. Ўйин вазифалари диққатни тўплашни, анализаторларни фарқлашни, таққослаш, умумлаштириш жараёнларининг фаол ишлашини талаб этади.

Энг яхши дидактик ўйинлар мустақил фаолият қоидалари асосида тузилган бўлиб, шу боис у болани билим ва маҳорат эгаси бўлишга ундайди. Шу туфайли бола ҳамиша, ўйин тарзидаги машғулот билан шуғулланиши керак. Агар ўйиндан болалар ҳаёти ва фаолиятини ташкил этиш, уни шакллантириш мақсадида фойдаланилса, у жуда муҳим тарбиявий омил бўлиб қолади.

Бир хилдаги ҳаракат ва сўзларнинг кўп марта такрорланиши бола онгида нарса ва ҳодисалар тўғрисида мустаҳкам боғланишлар ҳосил қилади, муайян фикр, ҳис-туйғу, хатти-ҳаракатларнинг таркиб топишига ёрдам беради. Дидактик ўйинлар ақлий тарбия беришда муҳим ўрин тутати ва унда болаларнинг диққат, хотира, кузатувчанлик, нутқ, топқирлик каби руҳий сифатлари таркиб топтиради.

Ўйин шаклида ўтказиладиган машқларни болалар қониқиш билан қабул қиладилар: улар керакли сўз ва ҳаракатларни зўриқмай, қизиқиш билан такрорлайдилар. Дидактик ўйинлар болаларнинг билимларини улар учун осон ва қизиқарли йўсинда мустаҳкамлаш имконини беради.

Дидактик ўйин нутқни ўстиришнинг, луғатни мустаҳкамлаш ва фаоллаштиришнинг муҳим услубидир. Болаларнинг раво сўзлаш қобилиятини ўстириш мақсадида турли дидактик ўйинлар ўтказилиши бола нутқидаги, талаффузидаги нуқсонларни аниқлаш имконини беради.

Қуйида дидактик ўйинлардан бир нечтаси болаларнинг нутқини ўстириш, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида тавсия этилади.

1. «Хат ташувчи совға келтирди».
2. Ўйиннинг мақсади болалар нутқини ўстириш.

Қўлланмалар: халтачага солинган ўйинчоқлар (ўйинда қатнашувчилар сонига қараб).

Ўйиннинг бориши: ўйинчоқлар юк машинасига ортилган, булар совға (посилка) ҳисобланади. Хат таърифчи уларни элтади. У биринчи қоғоз халтачани тарбиячига беради. Тарбиячи уни очади ва нима олганлигини, яъни буюмнинг номини айтади ва шу буюмни таърифлайди.

Унинг рангини, баъзан шаклини ва бу ўйинчоқни қандай ўйнаш кераклигини айтади. Болалар ҳам қоғоз халта олганларида қўлларидаги буюмларини тарбиячи гапириб бергандек таърифлаб берадилар.

2. «Расмларни номлаш» ўйини.

Қўлланмалар: қутича ва 10—15 та буюмнинг расмлари.

Ўйиннинг бориши. Муаллима: «Болалар, ҳозир биз ўйнаймиз. Мана менинг қўлимдаги қутичада кўп расмлар бор. Сиз менинг олдимга келиб, қутичадан расм оласиз ва уни менга кўрсатасиз, мен унда ниманинг расми тасвирланганлигини айтиб бераман». Сўнг ўқувчи унинг олдига келади. Муаллима қутичадан расм олишини ва уни кўрсатишни таклиф этади. Муаллима унинг номини «топади», расмдаги буюм тасвири ва унинг сифатларини айтади. Масалан, ранги, шакли (катта копток, қизил олма ва ҳоказо). Муаллима кўрсатилган расмларни четга олиб қўяди, сўнг у навбатдаги болани чақиради, у бола ҳам топшириқни юқоридагидек бажаради, муаллима буюм тасвири туширилган расмга таъриф беради. Муаллима 5—6 та расмларни кўрсатиб шундай иш олиб боради. Шундан сўнг, муаллима болаларга мурожаат қилади: «Болалар, энди мен сизларга расмлар кўрсатаман, сиз эса уларни номлайсиз». Муаллима болаларга расмларни навбатма-навбат кўрсатади, болалар фақат буюм номини айтиб қўя қолмай, балки унинг сифатини ҳам айтишлари лозим. Масалан: қизил олма, яшил барг ва ҳоказо. Агар бола буюм сифатларини айтиб бера олмаса, унда муаллиманинг ўзи ёрдамчи саволлар билан мурожаат қилади. Масалан, «қандай стол экан?» ...Муаллима нотўғри жавобларни тўғрилаб боради, болалар тўғри жавобни такрорлашлари керак.

Болалар расмларнинг ҳаммасини номлаб бўлганларидан сўнг, муаллима ўйинга якун ясайди.

3. «Дўкондан харид қилиш».

Ўйиннинг мақсади: болаларни маданий муомала қи-

лишга ўргатиш. Оғзаки нутқ малакаларини ривожлантириш.

Қўлланмалар: турли ўйинчоқлар, кийимлар.

Ўйиннинг бориши: болаларнинг ўйинчоқ кўргазмаси; ўйинчоқлар дўкончаси.

Тарбиячи ўйиннинг мазмунига кўра бугун болалар дунёси магазинига боришларини, у ерда чиройли ва қизиқ-қизиқ ўйинчоқлар борлигини, уларни танлаб, обдан томоша қилишни, танланган ўйинчоқларни олишдан аввал сотувчига илтимос билан мурожаат қилишни айтади. Шунингдек, тарбиячи болаларга «марҳамат», «раҳмат» сўзларини эсдан чиқармасликни, аниқ, раво гапиришга ҳаракат қилиш лозимлигини таъкидлайди.

4. «Бу нима» ўйини.

Ўйиннинг мақсади: болаларнинг буюм ва нарсалар ҳақидаги билимларини бойитиш. Фонематик уқувни ривожлантириш.

Ўйиннинг бориши: маълумки, ҳар бир нарс — буюмнинг ўзига тегишли хусусияти билан бирга, унинг ўзига хос овози ҳам бўлади. Масалан, қоғоз шалдирайди, тахта тақиллайди, қўнғироқ жиринглайди. Болалар ўйинда бор бўлган нарсанинг товуши орқали унинг номини айтишга ўрганадилар. Бунинг учун тарбиячи айрим нарсаларни болага кўрсатмаган ҳолда унинг овозини чиқаради. Масалан, у стакан ёки пиёлага қошиқни солиб чайқатиб, овоз чиқаради.

Болалар тарбиячининг ҳаракати орқали буюмнинг номини айтишга одатланиб борадилар.

5. «Қараб ол-у, эслаб қол ва номла» ўйини.

Қўлланма: 10-12 та расм.

Ўйиннинг бориши: тарбиячи фланелеграф ёки кўрсатмали доскага бир нечта нарсаларнинг расмларини қўяди. Доска ёнига чақирилган бола намойиш қилинаётган расмга диққат билан қарайди. Сўнг тарбиячи расмни қоғоз билан бекитади ва айтади: «Эслаб кўрчи», «Сен бу ерда қандай расмни кўрган эдинг?» Агар бола янглишса, расмни яна қайта кўрсатиш мумкин. Бола буюм номини қуруқ айтибгина қолмай, балки унинг сифатларини ҳам айтса, янада маъқул бўлади.

6. «Бу кимнинг буюми?» ўйини.

Қўлланма: 10-15 та буюмга оид расмлар.

Ўйиннинг бориши: тарбиячи болаларга буюм тасвирини кўрсатади ва уларга мурожаат қилади.

«Бу кимнинг қалами», «Бу кимнинг қўғирчоғи?» ва

ҳоказо. Болалар: Бу менинг қаламим. Бу менинг қўғирчоғим,— деб жавоб беришлари лозим ва ҳоказо.

Ҳар қандай ўйин ўтказилаётганда тарбиячи болаларни рағбатлантириб боришни унутмаслиги, ўйинда фаол иштирок этмаганларни эса доимо ўйинга жалб қилишга интилиши лозим. Рағбатлантириш болаларни ўз кучига ишонишга ва топшириқларни тўла бажариб боришларига ёрдам беради.

Дидактик ўйинларга юқорида таъкидлаб ўтилган жуда кўп услубий қоидалар татбиқ қилиниши мумкин. Дидактик ўйинлардан таълимнинг мустақил шакли, болаларнинг ақлий фаолият кўникмалари, нутқий тажрибасини такомиллаштириш ва уларнинг луғат бойлиги ошиши даражасини назорат қилиш сифатида фойдаланилади.

НУТҚ ХАРИТАСИ

1. Исм-шарифи _____

2. Ёши (туғилган йили, ойи) _____

3. Манзилгоҳи (уйи) _____

4. Гуруҳга қабул қилинган вақти _____

5. Боланинг қаердан келганлиги _____

6. Ота-онасининг исми, шарифи _____

Отаси _____

Қасби _____

7. Онаси _____

Қасби _____

8. Ота-онасининг шикояти _____

9. Анамнез (бу бола нечанчи ҳомила бўлган, ҳомиладорлик қандай кечган, туғилган заҳоти қичқирганми? Жисмоний ривожланиши қандай ўтган, қачон бошини тутган, қачон ўтирган, турган ва юрган). Бир ёшгача қандай касалликлар билан оғриган?

10. Нутқ тараққиёти: гугулаш даври, биринчи сўз ва биринчи жумлаларни қачон айта бошлаган? Луғат бойлиги қандай ривожланган?

11. Эшитиш қобилияти _____
12. Қўриш қобилияти _____
13. Ақлий фаолияти _____
14. Нутқий муҳит ва ижтимоий шароитлар. Логопедга мурожаат этганми? _____
- _____
- _____
15. Логопед билан машғулотлар қанча муддатгача олиб борилган. Натижаси қандай бўлган? _____
- _____
- _____
16. Боланинг нутқий нуқсонига муносабати _____
- _____
- _____
17. Нутқига умумий тавсиф:
- а) нутқнинг тез-сустлиги ва равонлиги _____
- б) овоз _____
- в) нафас _____
18. Артикуляцион аппаратнинг анатомик тузилиши ва ҳаракатчанлигини текшириш _____
- а) лаблар _____
- б) тил _____
- в) жағлар _____
- г) тишлар _____
- д) қаттиқ танглай _____
- е) юмшоқ танглай _____

19. Фонематик ўқув: а) товушларни табақалаш

п-б	б-п	т-д	д-т	с-з	з-с	ш-ж	ж-ш	к-г	г-к
-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----

б) бўғинларни такрорлаш:

па-ба	ба-па	та-да	да-та	са-за	за-са	ша-жа	жа-ша	ка-га	га-ка
-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------	-------

в) нутқли товуш таркибининг таҳлили:

Сўзларда биринчи товушни ажратиш:

анор	тулки	китоб
олма	бўри	чироқ
ручка	шаҳар	соат

Сўзларда охирги товушни ажратиш:

ой	булиқ	дафтар
қуёш	қор	уй
осмон	сув	сигир

Мураккаб бўғинли сўзларни талаффуз қилиш:

инқилоб	гултожихўроз
трактор	шаҳаншоҳ
экскаватор	лолақизғалдоқ

20. Умумий моторика ҳолатини текшириш:

а) ҳаракат мувофиқлиги _____

б) қўл майда ҳаракатлари _____

в) бола қайси қўли билан кўпроқ ҳаракат қилади?

21. Боланинг умумий ривожланиши _____

а) диққати _____

б) иш қобилияти _____

в) сўзлашуви _____

Сенинг исминг нима? _____

Ёшинг нечада? _____

Қаерда яшайсан? _____

Отангни, онангни исми нима? _____

Сенинг дўстларинг борми? _____

Тўғри ва тескари саноқ _____

Ҳисоблаш фаолияти _____

Геометрик шаклларни номлаш ва ажратиш _____

Ранглар _____

22. Буюмларни таснифлаш

а) тўртинчиси ортиқча _____

б) вақт ва фазони аниқлаш _____

в) логик тафаккур қобилияти _____

23. Нутқни тушуниш қобилиятини текшириш:

а) содда ва мураккаб сўз кўрсатмаларини бажариш

б) келишиқ қўшимчалари ва бирлик ҳамда кўплик қўшимчаларини тушуниши _____

24. Луғат бойлиги _____

а) буюмларни номлаш _____

Чойнак	қопқоғи	Одам	оғзи
	жумрағи		қули
	тутқичи		оғи
	боши		қулоғи
	кузи		
	бурни		

25. Умумлаштириш даражаси:

олма, анор, шафтоли, узум, беҳи, олхури
сабзи, пиёз, картошка, лавлағи, шолғом
сигир, қуй, кучук, мушук, бузоқ
бури, тулки, айиқ, шер, йулбарс
автобус, трамвай, троллейбус, тайёра

26. Нарсаларнинг белгисини билдирувчи сўзлар:

қизил олма — қандай олма?
катта копток — қандай копток?

27. Сўз бойлигида феълларнинг ишлатилиши:

а) ошпаз нима қияпти?

ўқитувчи
ҳайдовчи

б) нима қандай овоз чиқаради?

мушук — миёвлайди	ит —
ғоз —	товуқ —
сигир —	сичқон —

28. Нутқни грамматик жиҳатдан таҳлили:

- расмга қараб ҳикоя тузиш;
- давомли расмларга қараб ҳикоя тузиш;
- эслаб қолганларини ҳикоя қилиш;
- тасаввур асосида ҳикоя қилиш;
- кўрган воқеаларини ҳикоя қилиб бериш;

Вариантлар: болаларда нутқнинг умумий ривожланмаганлиги (3- даражанинг) мотор алалиясн билан биргаликда келиши. Болалар нутқининг умумий ривожланганлиги (2- даражаси) нинг дизартрия билан биргаликда келиши.

ЛЕКСИКАГА ОИД ТЕМАЛАР

Тана аъзоларимиз

От	Феъл	Ёрдамчи сўзлар ва қўшимчалар	Равиш	Сифат
бош гавда қўллар, оёқлар юз қўз, қулоқ лаб қорин, кўкрак лаблар орқа сочлар, тишлар бурун, оғиз, тил елка	ейиш ўтирмақ ётмақ ўрнидан турмақ ювинмақ артмақ соч турмакламақ ювмақ тозаламақ куймақ	ичида устида олдида — дан унда	тоза ифлос покиза чиroyли ўз вақтида пuxта қилиб ўз ихтиёри билан ёқимли	ўз вақтида, пuxта қилиб тоза, озода покиза чиroyли ёқимтой кўркем, жозибали таъсирли, маъноли ифодали қизил ҳаво ранг қора ёрқин янги русм

Сабзавотлар

картошка карам пиёз	ковламақ экмақ термақ	тез	қизил яшил пишган	
---------------------------	-----------------------------	-----	-------------------------	--

От	Феъл	Ёрдамчи сўзлар ва қўшимчалар	Равиш	Сифат
нўхат гармдори шолғом редиска сабзи помидор лавлаги саримсоқ	олиб юрмоқ сув сепмоқ ўстирмоқ олиб келмоқ ковлаб ташламоқ тахламоқ емоқ қораламоқ сотиб олмоқ тортмоқ	тез орада	сувли аччиқ ширин сўлиган узун мазали силлиқ қаттиқ	

Мевалар

олма нок олхўри шафтоли ўрик анор лимон беҳи ананас узум	осилган йиқилмоқ йиқилди терапти термоқ узмоқ экмоқ пишмоқ олиб бормоқ тахламоқ ковламоқ суғуриб олмоқ қораламоқ сотиб олмоқ пишиб кетди	баланд зич паст оғир тез секин ширин мазали	серсув пишган мазали ширин нордон аччиқ юмалоқ катта кичик хушбўй ҳидли фойдали яшил кўк пишмаган	
---	--	--	---	--

қизил
мева
ли
олхўрили

Ўйинчоқлар

машина
матрёшка

милтиқ
луноход
тайёра
вертолёт
қорбобо
қўғирчоқ
белкурак
от, тойчоқ
уйча, қуён

сотиб олмоқ
олиб келмоқ
қўймоқ, солмоқ
ўйнамоқ
синдирмоқ
ўрнатмоқ
ҳадя этмоқ
сайр этмоқ
юрмоқ
тутмоқ, ушламоқ
айлантирмоқ
бурамоқ

ичида
устида
унда

янги, эски
ялтироқ
ясанган, башанг
катта
кичкина
ойнали
темирли
юмшоқ
қаттиқ
қоронғу
баланд
ёруғ
синган

Қийим-кечак

қўйлак
пальто
ботинка
турсиқ
рўмол
шапка
этик
сандал

киймоқ
кетди
илди
тозаланмоқ
дазмолламоқ
ечмоқ
сотилмоқ
олмоқ

ичида
устида
— дан

тез
секни
хотиржам
ўз вақтида
чиройли
қулай
расм бўлган
янги расм

янги, эски
тоза
ифлос
чиройли
янги расм бўлган
қулай
иссиқ
ёзги

От	Феъл	Ёрдамчи сўзлар ва қўшимчалар	Равиш	Сифат
пайпоқ калготка гольфи, кофта майка, пўстин шим	тақди тўрлаб ямамоқ ифлос қилди		бўлган	қишки кузги гулли дазмолланган ипдан жунли

Пойабзал

туфли этик	тияпти тузатмоқда сотиб олмоқ ясамоқ ечмоқда кийинмоқ қўймоқ олмоқ кийди ечди	да моқ	тез секин орасталик билан чала-чулпа замонавий чиройли	чиройли замонавий жозибадор қўпол баҳорги кузги қишки ёзги ўнгай аёлларники эркакларники ялтироқ
---------------	--	-----------	---	---

Уй ҳайвонларининг болалари

бузоқча улоқча	югурапти ўйнамоқ	ча моқ	баланд секин	кичик бесўнақай
-------------------	---------------------	-----------	-----------------	--------------------

тойча мушук боласи кучук боласи қўзичоқ	емоқ ухламоқ югурмоқ чинқирмоқ қарамоқ сакраяпти турипти	ёнида	кучсиз	қизил кучсиз майин мулойим хурсанд ишонувчан пахмоқли кул ранг оқ
--	--	-------	--------	---

Еввойи ҳайвонлар

айиқ йўлбарс фил шер тўлки қуён жирафа бўри типратикан зебра олмахон бегемот	ириллаяпти урушаяпти сакраяпти сакраб ўтаяпти ташланаяпти ғажияпти кемиряпти эхтиёт бўлди диққат билан қулоқ солиб турди одатлантирмоқ ўргатаяпти	устиди ичиди олдиди ундан	қўлай ҳушёр ақлли атайлаб эхтиёт бўлиб	тиришқоқ узун ҳурпайган ўткир баҳайбат кичкина оқ семиз айёр сарик қари ёш
---	--	------------------------------------	--	---

Ранглар

қизармоқ оқармоқ қораймоқ	қизил кўкиш қизғиш	оқ қора қизил
---------------------------------	--------------------------	---------------------

От	Феъл	Ёрдамчи сўзлар ва қўшимчалар	Равиш	Сифат
	кукармоқ сарғаймоқ		хира оқиш	кўк сарик кумуш ранг яшил

Қиш

қор чанғи чана яхмалак сумалак қорбобо қор уюми	бермоқда учмоқда олиб келмоқ тозаламоқ ўйнамоқ ётмоқ йиқилмоқ осилиб турмоқ ясатмоқ эримоқ ковламоқ	да га тагида	кўп кам чуқур баланд яқин узоқ бўғиқ совуқ изғирин хомуш	оқ патсимон кумуш ранг учқундор совуқ қишки жуда катта чириган чўқур ғичирлайдиган
---	---	--------------------	---	---

Арча

янги йил байрами арча ўйинчоқлар қорбобо	иялпти рақсга тушяпти ашула айтяпти ўқияпти келди	устида олдида туфайли атрофида	ясанган чиройли қувноқ тез топқир	безатилган яшил баланд ёруғ янги
---	---	---	---	--

кетди ҳадя эяпти топяпти ёниб турибди ялтираяпти табриклаяпти ясамоқ ўйнашмоқ келмоқ		баланд қизиқарли	чиroyли
--	--	---------------------	---------

Оила

она лада буви ўғил қиз бува ака сингил хола амаки	келди кетди йиқилди олиб келди ўтирмоқ турмоқ, йиғламоқ ювмоқ, кийинтирмоқ урушмоқ, чақирмоқ чайнаяпти ўйнааяпти чўмиляпти қидиряпти қовурмоқ	ичида устида тагида олдида	тез, секин аста паст баланд мағрур тоза қайгули қулай жаҳлдор самимий дўстона	қари ёш катта кичик ёқимтой тиришқоқ серҳаракат чиroyли нозик жаҳлдор
--	---	-------------------------------------	---	--

Баҳор

куртак барг кўчатлар	булмоқ оқламоқ экмоқ	да моқ тагида	қувноқ жарангдор ярқироқ	баҳорги жарангли нурли
----------------------------	----------------------------	---------------------	--------------------------------	------------------------------

От	Феъл	Ёрдамчи сўзлар ва қўшимчалар	Равиш	Сифат
шох дарактлар томчи белкурак хаскаш майна ин қалдирғоч қуш уяси	бажармоқ осмоқ қоқмоқ учиб келдилар		узоқ паст	яшил шўх ёпишмоқ қуёш нуридай

Транспорт

автобус машиналар троллейбус трамвай қайиқ катер пароход вертолёт самолёт	келди кирди юклади ювди тозаламоқ артмоқ тузатмоқ босиб олмоқ уриб олмоқ ағдарилди синди йўқолди кириб ўтди	дан ёнида	тез секин яқин орада усталик билан	юкли сувли ҳаволи ерли эски янги ўнғай чиroyли катта кичик қирилган синган
---	---	--------------	--	---

Мебель

Стол шкаф сервант стул каравот кресло телевизор тумбочка трюмо юмшоқ, узун курси	олиб келмоқ ўрнатмоқ қуймоқ синдирди ёпмоқ очмоқ устига ёпмоқ ўчирмоқ бўлмоқ	ичида устида олдида тагида — дан устида	тоза чиройли қулай мустаҳкам пухта, пишиқ	янги, эски ялтироқ пардозланган тўқ ёрқин қулай ёқимли қаттиқ юмшоқ паст
--	--	--	---	---

Қасб-ҳунар

ошпаз ҳайдовчи боғбон врач ўқитувчи тикувчи этикдўз ишчи муҳандис қирувчи	ўқитади пиширади рақсга тушмоқ расм солмоқ экмоқ қурмоқ даволамоқ ҳайдамоқ	ичида устида унда санда	баланд паст яхши жарангли виждонан	ёш қари чиройли меҳрибон айёр кучли қўпол ёқимли жаҳлдор вақилдоқ
--	---	----------------------------------	--	--

Озиқ-овқат

гўшт балиқ	қирқмоқ қайнатмоқ	устида ичида	ўз вақтида пухта қилиб	мазали нордон
---------------	----------------------	-----------------	---------------------------	------------------

От	Феъл	Брамчи сўзлар ва қўшимчалар	Равиш	Сифат
